

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси


Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 26-27 (6867-6868)
1998 йил 5 апрель, якшанба


Сотувда эркин
наرخда

Камолитдин Беҳзод авлодларимиз


КЎНГЛИДА ФАРИШТА КУЛАР, БОЛАНИНГ...



Шоиста Азизова 2-синф, ўқувчиси.



Абдуҳаким Элбоев, 3- синф ўқувчиси.




Н Миронец, 7- синф ўқувчиси.




Ш. Ибрагимова, 5 - синф ўқувчиси.

Бола - дунёнинг бегубор умиди. Унинг жажжи юрагида яхшилик яшайди. Болаларнинг шовқин-сурони, кулгулари ҳар қандай ёлгон, ҳасад, фисқу- фасодларни ўлдиради. Шунинг учун ҳам уларнинг йўлини фаришта супуради, дейишади. Бу сир-синаотга, курашларга тўла дунёда қисматнинг аччиқ синовлари бор. Бу синовлар баъзан болалар тақдирига бориб боғланади. Аммо руҳан ёки жисмонан ногирон бўлишидан қатъий назар, бола - ҳаётнинг улуг мўъжизасидир. Бу шундай мўъжизаки, унга бу дунёнинг барча қусурлари қор қилмайди. Зеро, унинг жажжи юрагини озода туйғулар билан безатувчи меҳрибонлари - ота-онаси, устози, Ватани бор. Шунинг учун ҳам улар яшашни, ижод қилишни, суратлар чизишни яхши кўришади.


Ҳозир эътиборингизга ҳавола қилинаётган суратларни Самарқанд шаҳридаги, Боғишамол тумани 1-сон ёрдамчи махсус мактаби ўқувчилари чизишган.




К.Саъдиев, 6 - синф ўқувчиси.



Чернишов, 6 - синф ўқувчиси.



Зайнура Келдиёрова, 3 - синф ўқувчиси.



К Машков, 3 - синф ўқувчиси.



ҲАЯЖОНЛИ КУНЛАР

Соҳиба АКБАРОВА, Республика Ёш ўлкашунос саяҳатчилар маркази бош директорининг ўринбосари:

— Бу йилги слёт ота-оналар, мутахассислар, матбуот ходимлари барча-барчасида катта таассурот қолдирди.

Унинг мазмунли ва мароқли упиши бизга яқиндан ёрдам берган Халқ Таълими Вазирлиги, «Навруз», «Амир Темури», «Қамолат» жамғармаларига раҳмат деймиз. Слётга олиму — мутахассислар жалб қилинди. Марказимизда «Адабиётчи — ўлкашунос», «Санъатшунос — ўлкашунос», «Тарихчи — ўлкашунос» ва «Географ — ўлкашунос» шуббалари бўйича вилоятларда мулоқот голибликни қўлга киритган энг иқтидорли болалар уз иқтидорларини ҳар томонлама кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

билан урганган. Уларга шунчаки ҳавас эмас, аниқ мақсадли кичик илмий тадқиқот деб қараш мумкин. Қатнашувчиларнинг аксарияти маълумот йиғишнинг турли шакллари билан фойдаланганлар. Жумладан, «Санъатшунос-ўлкашунос» шуббасидан Сурхондарё вилояти Музробод туманидаги 2-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Уролшод Пардаева тайёрлаб келган «Ўзбек миллий келин либослари, туй анъаналари» мавзусидаги иши айнан уша худуд нафасини уфургани билан барчанинг эътиборини тортди.

Мутахассислар фикр билдирадilar

Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 45-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Шоҳиста Ниезова эса нафақат Бухоро халқ мусиқа санъати тарихини яхши билишини, балки ўзи ҳам яхшигина раққоса ва хонанда эканини кўрсатди.

КИТЎБ ҚИЛИШ КЕРАК

Фаёз МУСАЕВ, педагогика фанлари номзоди:

— «Географ — ўлкашунос»лар бу слётга жуда яхши тайёргарлик куриб келганлар. Ўқувчиларнинг нуқти раво, кўргазмаларнинг хилма-хиллигини айтмайсизми? Сирдарёлик иштирокчи

мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилди.

Менимча уларнинг маърузаларини танлаб, кичик бир китобча қилиб нашр эттириш керак.

МЕНИНГ ТАКЛИФИМ

М.КАБИРОВА — тарихшунос оlima:

«Агар гафлатда ётган халқни уйғотмоқ истасанг, аввало тарихни уйғот», деган гап бор. «Тарихчи — ўлкашунос»ларимиз ҳам манъбаларга асосланганлар. Айниқса Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги 75-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Шарофиддин Саидов ўз эли, юрти тарихини жуда яхши билиши билан барчанинг эътиборини тортди. Слётнинг энг кичик иштирокчиси, 5-синф ўқувчиси Парвез Қурбонмаматов «Буюк ипак йўли» мавзусини атрофлича ёритиб беришга ҳаракат қилди. Таклифим шуки, мана шу слёт қатнашчилари тайёрлаб келган материаллар, альбомлар, моделлар ва бошқа турли-туман кўргазмаларни Ўлкашунослик музейини очиб, уша ерда сақласак.

ЭКСПЕДИЦИЯГА ЙЎЛЛАМА

Малик МУРОДОВ, филология фанлари доктори:

— Мен «Алпомиш йўлидан» деб номланган ва «Алпомиш»

Мустақил юрт болалари — иқтидорлидир

БОБОЛАРИМ ХУНАРИ — МЕНИКИ ҲАМ!

Риштон кулолчилик хунарининг авлоддан-авлодга утиб келётганлигига бу воҳада сифатли, қизғин лойнинг ва табиий буюқлар, тоғ ут-уланларининг мавжудлиги сабаб булса ажабмас.

Ёшгина Содиржон ҳам кулолчилик санъатига эрта меҳр қўйди. Отаси, бобосининг қилаётган хунарини кузата туриб, ўзи ҳам уларга кумаклашди. Фарзандлардаги бу қизиқишни қўрган отаси уни олдида олиб шундай деди:

— Ҳар қандай хунарни сабр — тоқат, кунт билан ўрганиш керак. Сен бажарган ишни кўрганларнинг кўзи қувнасин, дили яйрасин. Бунинг учун эса ясамоқчи бўлган буюмингни аввало хаёлда пишитиб ол.

Хаёлот дунёси кенг. Аммо ижодий фикрлаш ҳар кимда ҳам булавермайди.

Агар хаёл сурувчи шахс уз хаёлига жиддий ишонса, ҳаётни диққат билан кузатиб, бу кузатишларини ўзидаги хаёлий режалар билан таққослаб, меҳнат қилса, фантазия билан воқелик уртасида номувофиқлик булмайди.


Содиржон ҳам отаси айтганидек орзу — ниятлари йўлида астойдил меҳнат қиляпти. Буни биз у ясаган уйинчоқлар ва гулдонларида куришимиз мумкин. Нақшнинг нафислиги, ранг-гасвирнинг бетакрорлиги билан барчага манзур булди. У вилоятда, Республикада утказилаётган курик-танловларнинг голиби булишида албатта отаси — Исмоил аканинг хизматлари беқиес.

Ҳозирги кунда Содиржон Комилов Фаргона вилояти Риштон туманидаги А.Жомий номли 2-мактабнинг 8-«Д» синфида аъло баҳоларга ўқимокда. Содиржон билан суҳбатлашганимизда, у келажакда қайси касбни эгаллашидан қатъи назар, албатта, ота-бобоси шуғулланган кулолчилик йўлида изланажагини айтди.

«МЕН УМРНИ ЎХШАТДИМ ГУЛГА»

Слётнинг очилиш куни Фаргона вилояти Олтиариқ туманидаги 2-Гимназия 2-синф ўқувчиси Азизбек Холбоев ажойиб овози, гўзал шеъри билан ҳамани лол қолдирди.

Азизбек буш вақтларида китоб ўқир шеър ёзар экан. У вақтни «фақатгина яхшиликка сарфлаш керак», дейди. Сиз



ҳам унинг шеърини баҳраманд булинг.

*Инсон умри камон ўқ экан
Ортга боқсам, қайтиш
йўқ экан,
Ўтган умринг бир
хисобини
Қилиб кўрчи, кўнглинг
тўқмикан?*

*Мен умрни ўхшатдим гулга,
Фунчаликдан айланар гулга.
Кузакдаги хазонрезидай
Бир учару айланар кулга...*

Соҳифани
Феруза ОДИЛОВА,
Дилрабо ДАВЛАТОВАлар
тайёрлади.
Сураткаш Р.Альбеков.

Суратларда: Риштонлик ёш кулол Содир Комилов тенгдошларига ўзи ясаганларини кўрсатяпти. Олтиариқ туманидаги 2-гимназия 2-синф ўқувчиси Азизбек Холбоев.



КИЧИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ

Асқарали СУЛАЙМОНОВ, педагогика фанлари номзоди, санъатшунос:

— Ҳар бир ўқувчи айнан ўзи яшаб турган худуддаги миллий анъаналарни жуда синчковлик

Сайёра Алиеванинг тавсияларини бемалол ҳаётга татбиқ этиш мумкин. Бу қизимизнинг таклифлари:

1. Хужаликларга сувни пул билан бериш керак, шундагина улар сувни исроф қилмайдилар;

2. Тупроқни шурлатаётган хужаликларга жарима солиш керак.

Яна бир иштирокчимиз Шаҳноза Исмагулаева «Зоминда халқаро туризмни йўлга қўйиш»

дostonининг 1000 йиллигига бағишланган илмий экспедицияга «Адабиётчи — ўлкашунослар» голибларини ҳам киритишни ўз бўйнимга оламан.

Иқтидорли болалар VII Республика слёти уз ниҳоясига етди. Голиблар Вазирликнинг фахрий ёрлиглари, қимматбаҳо эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

— Исмининг маъносини биласанми?

— Ҳа, Навоий лугатида «Тоза, равшан» деб ёзилган.

— Кам учрайди-а, бу исм?

— Ҳозиргача узимдан бошқа Боҳирни кўрмадим.

— Бу яхшими, ёмонми?

— Намангандаги қариндошларимиз эсидан чиқариб қуйишаверади, ҳар каникулда борганимда «Исминг нимаиди?» деб сурашади.

— Равшан деб ўзгартира қолмайсанми бўлмаса, осонроқ, ҳеч ким адашмайди...

— Йўқ, урганиб қолганман.

— Боҳир, синфларингда нечта ўғил, нечта қиз бор?

— Саккизта қиз, қолган ҳаммаси ўғил болалар.

— Қизлар билан жанжаллашиб турасизларми?

— Кичкиналигимизда буларди, ҳозир йўқ.

— Саккизинчи март байрамида қизларни табриклади-рингми?

— Ҳа, ҳаммамиз 100 сумдан пул йиғиб, совғалар олдик.

— Қанақа совға?

— Фламастер, қалам, ручка.

— Қизлар гулни яхши кўришади-ку, гул совға қилсаларинг бўлмасми?

— Гул дарров сулиб қолади, керакли нарсани совға қилган яхши-да.

— Боҳир, иккита аканг, битта уканг— хуллас, оилада ҳаммаларинг ўғил бола экансизлар. Аянгга рўзгор ишларида ёрдам берсаларинг керак-а?

— Ҳамма ишларига қарашамиз.

— Идиш-товоқ ҳам ювасанми?

— Ювавераман, нима бўпти?

— Юваётганимда биров келиб қолса, «қиз боланинг ишини қилаяпти» деб масхара қилади деб ўйлаб, уялмайсанми?

— Йўқ. Мен фақат «2» баҳо олсам уяламан.

— Нечта ўртоғинг бор?

— Куп...

— Энг яқинлари...

— Фаррух, Акрам, Нодир...

— Айттайлик, улардан бири синф деразасини синдириб қўйди, битта сен кўриб қолдинг. Муаллимнинг ҳаммани йиғиб: «Қани ким синдирди?» деса, айттармидинг?

— Нега айтарканман?

— Ахир, сен тўғри сўз, ҳалол боласан. Айтмасанг, ўртоғининг касрига бутун синф қолади. Ҳамманг пул йиғиб ойнакни бутлашларинг керак. Шунча одам жабр кўргандан кўра ха-

УЧИНЧИ ЎҒИЛ



Боҳир Тошхўжаев — 1986 йил 12 февралда туғилган. Мучали — йўлбарс. Оилада учинчи ўғил.

Тошкент шаҳридаги 17-гимназия мактабининг 6-«Е» синфида ўқийди.

тони қилган одам жазосини тортиши керак эмасми?

— Барибир айтмасдим. Нима бўпти, кам-камдан йиғамиз. Биз пул йиғаетганимизни куриб барибир ичида қийналади. Шуям жазо.

— Нимани яхши кўрасан, Боҳир?

— «Боевик»ларни куришни, футболниям яхши кураман.

— «Боевик»нинг нимаси яхши — ур-сур бўлса?

— Кучлилар енгади, қийналсам охирида енга-

Танишув

ди. Зур-да.

— Жаҳон чемпионати ўйинларини кўрдигми?

— Футболданми? Э, айтманг, алам қилади.

— Нега бизнинг командамиз ярим финалгаям чиқолмади деб ўйлайсан?

— Темпи паст ўйинчиларимизнинг.

— Сенингча, нима қилса «темп» кўтарилади?

— Миллий команда ўйинчиларини кичкина болалигидан тайёрлаш керак. Мана, биздай болалардан тайёрлаб борса, катта булгунча бир-бирларини зур тушунадиган булишади.

— Ўзинг футболчи бўлармидинг?

— Йўқ, мен журналист ё дипломат булсам керак.

— Нега шунақа деб ўйлайсан?

— Чунки тарих, адабиёт, она тилларидан яхши ўқийман. Кичкиналигимда шёър ҳам ёзардим.

— Ҳозир ёзмайсанми?

— Негадир хоҳишим йўқ. Мен шоир эмас, журналист булмоқчиман. Чет элларга бориб, интервьюлар оладиган.

— Яна нималарни орзу қиласан?

— Машина минишни.

— Қанақа машина?

— Билмадим, узимизнинг машиналар булса дейман. Ҳозиргилариданам бошқачароқ — чиройлироқ, «иномарка»ларданам антиқа булса-да.

— Боҳир, китоб ўқишни яхши кўрасанми?

— Яхши китоб булса, балки, яхши курса булар. Қоғозлари силлиқ, муқоваси қат-



тиқ, ялтираб турса...

— Маҳаллалардаги болалар: «Боҳир, кўчага кам чиқади», дейишди. Китоб ўқимасанг, уйда зерикиб кетмайсанми?

— Й-у-қ. Дарсим куп.

— Хаёл суришга қалайсан?

— Булиб туради.

— Нималарни орзу қиласан?

— Ҳовлида яшасам, даратхлари куп булса...

— Қишлоққа — бувинг, бувангникигаборсанг зерикмас экансан-да бўлмаса?

— Йўқ, зерикаман. Дарров Тошкентга қайтгим келади.

— Ёлғиз, эрка ўғил бўлгинг келадими? Ҳамма сенинг айтганингни қилса, оғзингга қараса...

— Ҳечам. Акаларим, укамнинг борлиги яхши.

— Сингилчанг бўлишини хоҳлармидинг?

— Албатта.

— Боҳир, сенга бир куни Ҳизр бува дуч келди дейлик. «Тила тилагингни» деса...

— Аямлар ҳеч касал булмасинлар, дердим...

**Қутлибека
РАҲИМБОВА
суҳбатлашди**

ЎН УЧ ЁШЛИГИМ

Ўн уч ёшлигим — умрим баҳори,
Юракка қадалган ажиб муҳри бор.
Ўн уч ёшлигим — қалбим наҳори,
Умрбод кўнгулга синггай меҳри бор.

Ғиждувонда Навруз тантанасига уланиб кетган 13 ёшлар мучал туйи миллий қадриятларимиз қайта тикланаётганидан дарак берди.

Айниқса, 5 «А»-синф ўқувчилари ижро этган куй ва қўшиқлар, барча соғинган тансиқ таом — сумалакнинг хушбўйлари йиғилганларга баҳорий туйғулар ҳаёти эди. Шу гузал туйғуларни шёърга жойлаган муаллим шоиримиз Рамазон Бақоевнинг ижод намуналаридан барча мамнун бўлди.

Билим масканининг маънавият ва тарбия ишлари бўйича директор уринбосари Д.Гулмуродов ҳам шундай қувончли кунда севинчини яширолмади.

«Ўн уч ёшлигим — умрим баҳори» деб номланган тантана барчанинг эътиборини тортиди. Ҳа мактабда ҳақиқий байрам бўлди!
Ш.ОЧИЛОВА,
Н.МУҲАММЕДОВА,
Г.АХМЕДОВА,
Алишер Навоий номидаги 9-мактаб.

Ғиждувондан қўш мактуб

БАҲОРИМ

Анҳорларда оқиб кел,
Ўлкаларга боқиб кел,
Ўн уч ёшлик баҳорим.

Лола бўлиб очилгин,
Нурлар бўлиб сочилгин,
Ўн уч ёшлик баҳорим.


Ўн учга тўлдим бугун,
Юрагимда йўқ туғун,
Ўн уч ёшлик баҳорим.

Бугун чексиз қувончим,
Ҳур умримга ишончим,
Ўн уч ёшлик баҳорим!

Лайло **ФОЗИЛОВА**,
4-мактабнинг
5-«А» синф
ўқувчиси.



ИСТЕЪДОДЛАР МАСКАНИ



Булок соҳибқирон Амир Темур салтанати ва Шохрух ҳукмдорлиги даврида Самарқанд ва Ҳиротда фан ва маданият юксак тараққиёт чуққисига эришган. Мирзо Улугбекнинг самовот илмига асос солиши, Жомий ва Навоий каби шеърят қушларининг порлаши, ундан илҳомланиб Мирак Наққош, Камолитдин Бехзод каби жаҳоншумул шухратга эга булган мусаввирларни санъат майдонига чиқиши шарофати - бари булок Темур истиқлоли даҳосига бориб тақалади.

Ўзбек халқи азалдан булок ажлодлари ва муносиб авлодлар билан гурурланиб келган. Миллатимиз уз истиқлоли ва озодлиги йулида не-не истеъдодларни қурбон берди. Бироқ зоҳиран ва ботинан курашларни тухтатмади. Охири истиқлолга эришди. Янги шарт-шароит, янгича яшаш тарзи, тубдан мафқуравий узғариш ва таълим ислоҳатини тақозо этди. Ана шунда Ўзбекистонда таълим соҳасида улкан ишлар қилинди, туб бурилиш ясалди.

Таълим вазири Жура Ғаниевич Йулдошев билан булган суҳбатларнинг бирида у киши: «Таълимни ислоҳ қилишда янгича йўл тугтиб лицей ва коллежлар ташкил қилдик. Истеъдодли ўқувчиларни синов асосида тестлар билан махсус мактабларда қабул қилиб, ўқитувчилар маошини уч ярим, тўрт мингга етказдик. Гарчи бу сметада кўзда тутилмаган, Молия вазирлиги эътирозларига учраса ҳам бу йўлдан қайтмадик. Ва юз фоиз ижобий натижаларга эришдик. Лицейларни тугатган ўқувчилар тестлар синовидан ўтиб, олийгоҳларга киришди. Лицейни битирди дегани - бу институтга кирди дегани. Яна Президентимиз бизга бир янги имконият бердилар. Олимпиадада қатнашиб 1, 2, 3-ўринларни олган ўқувчилар институтларга имтиҳонсиз қабул қилинади. Халқаро олимпиадалар учун эса 1-5 ўринларга шундай имтиёзлар берилган. Навбатдаги вазифалардан бири лицейлар сабоғини яна мукаммалаштириш. Лицейларга 6-синфдан қабулни бошлаш. Шунда «икки ғалвир» бўлади. 6,7,8 бир, 9,10,11 икки. Ва шу асосда академик лицейларни ташкил қилиш».

Таълим вазири сўз охирида бир неча лицейлар қатори Алишер Навоий номли Республика Нафис санъат лицейини ҳам тилга олгани учун олдимда оқайган сувнинг қадрини билиб илм

даргоҳини кургим келди. Ҳаракатим зое кетмади. Лицей раҳбари гоят камсуқум, назокатли инсон Сулмас Султонов уз ўқувчилари ҳақида қисқача фахр билан гапириб бергач, илмий ишлар буйича директорнинг биринчи муовини Гузал Аҳмедовага рупара қилди. Гузал опа лицейдаги барча болаларга уз фарзандларидек қарар экан. Ҳа, лицей бир катта илмий аҳил оила. Гузал опа билан булган мулоқотни эҳтимол алоҳида суҳбат тариқасида мақола қиларман. Ушбу андишаларни кўнгилга тукканимда ўқитувчилар хонасига директорнинг илмий ишлар буйича муовини, она тили ўқитувчиси, тажрибали мураббий Арофат Тожиҳужаева кириб келдилар. У киши билан суҳбатимиз мураббия раҳбарлик қилаётган «Инглиз тили ва информатика» булими - 10«г» синфи ўқувчилари билан яқиндан танишишга имкон берди. Гарчи, бу синф ўқувчилари инглиз тили ва компьютер сабоқларига ихтисослашган булса-да, ораларингизда бадий ижод билан қизиқадиган ҳаваскор ижодкорлар борми, деган саволимга бирин-кетин унга яқин утил ва қиз болалар ижобий жавоб беришди. Камтаринлиқни қарангки, бу ҳақда Арофат опа ҳам воқиф эмас экан. У киши ҳам мен қатори синфларида булажак шоир, ёзувчи ва таржимонлар борлигини куриб гурурланиб кетдилар.

Навоий номли Нафис санъат лицейидан репортаж

Султонов Шамсиддин, Акбаров Бунёд, Бобоҳужаев Улугбек, Эргашева Зулайҳо, Нурмуҳамедов Сарварлар энларида ижодий ҳатто лугатсиз аслиятдан таржима қиларкан, бир неча машқларни олиб юрмаганлиги учун афсусланиб қолдилар. Лутфулла Ақромов инглиз адабиётидан машқларини курсатди, маъқул бўлди. Шунингдек, Зулайҳо Олимжон қизининг мусаввир Т.Саъдулла ҳақидаги бадий мақоласи очерк булмаса-да, 10-синф ўқувчиси учун ютуқ. Абдулазиз Солиевнинг болаларга хос шухчан шеърлари, Жаҳондор Олимнинг «Сизлардан ишорат» телестанловида биринчи уринини олгани мени тўлқинлантириб юборди-да, сузимни мухтасар қилиб ёш умидли қаламкашларга оқ йўл тилашни хайрли деб билдим.

Оқ йўл сенга, эй ёш истеъдод,
Эт юртингни маъмуру обод!

Олимжон БҮРИЕВ



СЕЗМАБИЗ

Физикадан кеча биз,
Ёзма иш топширгандик.
Шошиб-пишиб

ҳаммамиз,

Бир қиздан кўчиргандик.

Устозимиз аломат,

Текшириб чиқиб расо

У қиздан бошқамизга

Кўйдилар икки баҳо!

Мисолни тўғри ечган

Эди бироқ айёр қиз,

Биз кўчиргач

«бир»ни сўнг,

«Тўрт» қилганин

сезмабмиз.

УЛУГБЕКНИНГ

ХҲҲРОЗИ

Синфдошим Улугбек,

Хўроз сотиб олибди.

Кун бўйи уриштиргач

Касал бўлиб қолибди.

Товуқлар орасида

Макёндек пат очармиш.

Бобок хўрозни кўрса

Катагига қочармиш!

Улугбекнинг хўрози

Кўп хижолатга кўйди.

Уялгандан иложин

Қилолмай охир сўйди.

Абдулазиз СОЛИЕВ

Бу фоний дунёдаги жамии санъат асарлари: мусиқа, қушпик, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат, кино, театр ва ҳоказолар асосий санъаткор-яратувчи қошида арзимас машқлар ва қисман илоҳийлик эҳсонининг бир заррасидир.

Ҳар бир нарсани баҳолашда асл гоёларга ва бош сарчашмаларга суяниш лозим.

Модомики, тасвирий санъат ҳақида фикр айтиш орзуси тугиларкан, ҳаёлий романтизм билан ҳаётий романтизм ва бошқа «изм»ларни қорипирмасдан асл мақсадга утайлик.

Қахрамомимиз — таниқли мусаввир, кенг тармоқли муйқалам устаси Темур Саъдулла. Уқиш, урганиш, изланиш, мутолаа... уйқусиз тунлар, орзули дунё ёш мусаввир қалбини мангуликка мустаҳқ тасвирий санъатга банду банд этиб қуяди. Табиатан ҳозиржавоб рассом — тугма истеъдод Темур Саъдулла илк портрети, диплом иши (қизи Нурхоннинг сиймоси) «Қиз» асари 1971 йил уни имтиҳондан яхши утганлигини курсатади.

1971 йил ёш мусаввир дипломини қулга киритгач, Алишер Навоий номли музейга ишга кирди.

Устоз Ҳамид Сулаймон Темур

Саъдулланинг лаёқати, нодир истеъдодини эътиборга олиб, музейдан бир катта хонани унга ижодхона қилиб берди.

Темур Саъдулла шу ижодхонада узини катта санъат инкишофига бағишлади. Айниқса устози, академик Чингиз Аҳмаровнинг мас-

зандлари қаторида унинг умр мазмунига айланади.

Салкам пири балавлат Темур Саъдуллаев қуринишида навқирон йипитдан фарқланмайди. Бу ижодкорга омад кулиб боқдимиз, ёки умри машаққатли изтиробларда кечдимиз уни яратган билан

ТАСВИРДА ҲАЁТ АКСИ БОР

лаҳат ва йўл-йуриқлари билан миниатюра жанрининг халқ оғзаки ижодига омухта асарларини ярата олди. Унинг мухлислари имзоси қуйилмаган булса-да Темур Саъдулла чизган асарларни оғишмай таний олишадди.

Вақт ижод учун белгилувчи восита эмас. Ижод учун амалиёт, яъни қилинган иш эътиборга молик...

Йиллар фақат манглайга ажин, сочларга оқ оралатиб қолмай, қалб жавҳарини сайқаллаб боради.

Ҳақиқий маданиятли ва том маънодаги маънавий етук инсон умр утишидан нолимайди. Чунки уткинчи оламда қозонган шону шухратини ижоди намунаси — фар-

узидан бошқа ҳеч ким билмайди. Убирова зорланмайди. Доимманун қиёфада. Агар яхшилаб илтимос қилсангиз санокли дақиқаларда қалам билан узингизга ухшатиб суратингизни чизиб беради.

Мусаввир булок табиб, шоир ва файласуф, қомусий олим ҳазрат Абу Абдуллоҳ Ибн Синонинг барҳаёт ва ёрқин сиймосини яратган. Темур Саъдулла кейинги йилларда «Гулистон» журналида ишлаб, китоб ва журналчилик «трафика» усулига ҳам узининг баҳоли қудрат ҳиссасини қушиб келди.

Истеъдодли рассом кейинчалик Абдулла Қодирий номидаги халқ «Мерос» нашриётига ишга таклиф қилиниб, ҳозиргача шу

даргоҳда уз фаолиятини давом эттириб келмоқда. У 200 га яқин китобга мусаввирлик ва муҳаррирлик қилган. 1980—1990 йиллар Темур Саъдулла ижодида етмишинчи йилларда бошланган портрет жанри бош урин эгаллади. Академик Ҳабиб Абдулла, профессор Ҳамид Сулаймон, академик Воҳид Зоҳидов, таниқли матншунос олимлар: Солих Муталибов, Олим Шарафуддинов, шоир Омон Матжон, шоира Хосият Бобомуродовалар сиймоси акс этган портретлар булок истеъдод ва олий тафаккур маҳсули деб қаралмоғи, Т. Саъдулла муйқаламининг жонбахшигини далиллайди.

Миллатимиз фахри Алишер Навоийнинг 550 йиллиги муносабати билан рассом Темур Саъдулла шоир «Хамса»сига бешта катта полотно яратди. Бу ҳақда мусаввирнинг узи гурур билан: «Бу ҳаётимдаги энг катта, салмоқли асарим. Унинг яратилишида академик Азиз Қаюмовнинг катта ҳиссаси — юбилей раҳбарларидан бири тимсолида — ҳомийлиги, қуллаб-қувватлаши алоҳида урин тутади», — дейди.

Мусаввир «Индира Ганди» китоблари сериясига чизган расм ва нақшлари юксак баҳолашиб, халқаро аҳамият касб этди. Шу ижодий иши шарофати билан у 1994 йил Покистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва муҳтор элчиси таклифига биноан 15 кун Покистон пойтахти Исломобод ва Равалпинди шаҳарларида фахрий сафарларда бўлди.

1996 йил ҳам мусаввир баракали ижод қилди. Улуг ажлодимиз, жаҳонга машҳур бобомиз Соҳибқирон Амир Темур юбилейи муносабати билан Темур Саъдулла муйқаламига мансуб икки асар юбилей комиссияси томонидан мақбул деб топилди ва қабул қилиб олинди...

Темур Саъдулла ижоди уз тадқиқотчиларини кутиб етибди, қуллаб санъатшунослик ишларига манба бўлади, деб уйлайман.

Зулайҳо ОЛИМЖОН
қизи

ҚАЙСИ БИРИ БИЗЛАРГА ЯҚИНРОҚ?

Ўқитувчи: Бизларга Америка яқинми ёки Ойми?

Ўқувчи: — Ой.

Ўқитувчи: — Ой?! Нега бундай деяпсан?

Ўқувчи: — Чунки бизлар ойни кўра оламиз. Американи эса йўқ.

ЖОНАТОН СВИФТ ВА УНИНГ ХИЗМАТКОРИ

Бир куни машҳур инглиз ёзувчиси Жонатон Свифт ишга кетмоқчи бўлиб, оёқ кийимига қараса улар тоза эмас экан.

— Том, нега туфлилар артилмаган, — дебди Свифт.

— Узингиз курапсиз, сэр, ташқарида етмиш егаяпти. Барибир тозалаб чиқсангиз ҳам кир бўлади, — дебди хизматкор.

Кейин Ж. Свифт бир оз уйлаб туриб, ошхонанинг калитини сурабди.

Том эса: «Мен ҳали нонушта қилмадим, олдин нонушта қилиб олсам майлими», — дебди.

Шунда Ж. Свифт: «Нима қиласан, овқатланиб, барибир озгинадансунг қорнинг очали», — дебди.

Том бирдан қилиб қуйган ишдан уялиб кетибди ва кечирим сураб бу ишни бошқа қайтармабди.

Инглиз тилидан
Лутфилла АҚРОМОВ таржималари



СИЗЛАРДАН ИШОРАТ...

Сизлардан ишорат, биздан қушқ-қуй,
Булсин-эй юртимда туй устига туй,
Сизни тарк этмасин яхши орзу-уй,
Истиқлол туфайли қозондинг обруй,
Юртим Ўзбекистон яшнаган чаман,

Булок давлат дея жаҳон олди тан!

Аждодлар тарихи гуруримизда,
Турку форсу араб дастуримизда,
Юлдузлар акс этар куз нуримизда,
Булок санъаткорлар хузуримизда,
Иброҳим Тотлисас, хушовоз Гутуш,
Шерхон-у Хуршидлар куйлагани хуш!

Сизлардан ишорат, биздан куй-наво,
Гижжак-у танбур-удитор-у сато,
Авжга чиқиб агар таратса садо,
Ўзбек санъатидан лол қолгай дунё,
Дунё санъатига булсангиз шайдо,
Сизлардан ишорат бизлардан ижро!
Жаҳондор Олим

ЁШ ИҚТИСОДИ

YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова
иқтисодий газета



ҲАЙИТ - ҲАММАГА ҲАЙИТЛИК БЎЛДИ

Ҳайит кунлари Ўзбекистон халқи учун дам олиш кунлари эди. Энди БМТ ҳам бу улғу айёмларни тақвимда дам олиш кунлари сифатида белгилади.

Дунёда 1 миллиард 99 миллиондан ортиқ мусулмонлар яшайди. Улар учун Рамазон ҳайити билан Курбон ҳайити жуда азиз айёмлар саналади. Буни чуқур англаган ва туб миллий аҳолиси эътиқодини эъзозловчи мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ал-

лақачон ҳайит кунларини дам олиш кунлари деб эълон қилган.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 52-сессиясида ҳам шу масала кун тартибига қўйилди ва икки ҳайит кунлари тақвимда дам олиш кунлари деб белгиланилди.



МЕҲНАТКАШЛАРИДАН ҚАРЗДОР ҲУКУМАТ

Ўтган ҳафтада Россия Президенти Борис Ельцин В.Черномирдин бошлиқ Россия ҳукуматининг истеъфога чиқарди. Мамлакатда энг оғир даврда ўзининг ўнг қўли вазифасини бажарган бош вазир В.Черномирдинни Президент ҳукумат меҳнаткашларнинг иш ҳақини ўз вақтида тўлай олмаслигига асосий айбдор шахс деб билди. Россия ҳукумати ўз фуқароларидан 58 триллион рубль қарз бўлиб қолди!

Россия сиёсатчилари давлатнинг бундай мушкул аҳволга тушиб қолишига Черномирдин эмас, балки бошқа юзлаб омиллар сабаб бўлди, демоқдалар.

Президент тавсия этган янги бош вазир Кириенко номзоди шу кунларда расмий доираларда муҳокама қилинмоқда.

Апрелнинг биринчи ҳафта-сида республикада Евро-па Тикланиш ва Тараққиёт Банки директорлар кенгаши-нинг ижрочи директори Вил-гелм Ягги бошчилигидаги делегация амалий ташрифда бўлди. Маълумки, Ватанимиз

МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК

мустақиллигини мустаҳкам-лаш жараёнида мазкур банк бизнинг ишончли дўстлари-миздан бири сифатида фа-олият кўрсатди. Бугун Ўзбеки-стон Европа Тикланиш ва Та-

раққиёт Банки билан иқтисо-дий ҳамкорликда 14 та йирик лойиҳани амалга оширмоқда. Уларнинг умумий қиймати бир неча юз миллион доллар-ни ташкил этади.

Банк раҳбариятининг Ўзбекистонга ташрифи чоғи-да юртимизда кичик ва ўрта бизнес ҳамда енгил саноат-ни янада ривожлантиришга оид қатор истиқболли чора-тадбирлар кўришга келишиб олинди.

Тошкент-Андижон-Қашқар халқа йўли қурилишида

БУ ҚАДИМ ЙЎЛЛАР...

Ҳукуматимиз Тошкент-Андижон-Қашқар автомобиль йўлини таъмирлаш ва тиклаш ҳақида қарор қабул қилганига бир йил бўлди.

Европани Осиё билан боғлайди-ган қадимий Буюк Ипак йўлининг муҳим қисмларидан бири бўлган бу трасса Чотқол тоғи тизмалари бағ-ридан ҳам ўтади. Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридан то Наманган вилоятининг Поп тумани яйловла-ригача бўлган ҳудудда баланд тоғ чўққиларига тирмашиб қалтис ўрлар қиррасида узун қилкўприкни эслатувчи Довон йўли бор. Қадим-да бир туя сифадиган кенгликдаги ёлғизоёқ йўл асримиз ўртасида “пода йўли”ча, кейинроқ эса 1 қатор автомобиль юра оладиган даражада кенгайтирилганди.

ЧОТҚОЛАГИ ҚИЛКЎПРИК

Куздан ёзгача бўлган даврда бу тоғ йўлидан юриш анча хатарли эди. Бир ёқдан баланд қоялар, иккинчи тарафдан тик жар, дарё қисиб тур-ган йўл кўпинча қор қатламлари би-лан қопланади. Йўлдаги қалтис бу-рилишлар, гоҳ тепага тирмашиб, гоҳ пастликка шўнғишлардан йўловчи-ларнинг юраги “тиниб кетарди” гўё.

ҚЎШНИ ҲОВЛИСИДАН ҚАТНАШ ОСОНМАС

Пойтахт билан Фарғона водийси орасидаги қатнов асосан Тошкент-Андижон автомобиль йўли ва шу йўналишдаги темир йўл орқали бўларди.

Довон йўлига нисбатан хатарсиз, лекин анча олис бу йўлларнинг бир қисми қўшни Тожикистон ҳудуди-дан, яна бир қисми эса Қирғизис-тон ҳудудидан ўтган. Ҳар бир муста-қил республиканинг ўзига хос иқти-содий қонунари, айниқса сўнги йилларда мазкур йўллардан фойда-ланишнинг қимматлаштириб юбор-ди. Масалан, поезд учун, автомаши-на учун ҳар 2 республика чегарасига кираётганида ҳам, чегарадан чиқиб кетаётганида ҳам божхона солиғи солинади. Ҳатто бўм-бўш вагон учун ҳам юк тўла вагон нархи миқдорида валюта тўлаш жорий этилган.

1. Қадимги Буюк Ипак Йўли ўтган манзилларни бирма-бир эсланг.

2. Буюк Ипак Йўли йўналиши чизмасини оқ қоғозга кўчиринг.

3. Ўзбекистоннинг ёзувсиз харитасини олиб, ундан Тошкент-Андижон Довон йўлини белги-ланг.

4. 1997 йилнинг май оyi мат-буот нашрлари - “Халқ сўзи”, “Правда Востока” газеталари ва бошқаларда Тошкент-Анди-жон-Қашқар автотрассаси лойиҳа чизмаси берилган. У би-лан танишинг.

5. Тошкент-Андижон-Қашқар автотрассасининг қурилишининг лойиҳа қиймати, унинг йўналиши, узунлиги ва қуввати ҳақидаги маълумотларни ўрганг.

6. Бу трасса ҳақида аynи шу кунларда республикада радио-



ҚАМЧИҚ ДОВОНИДА ТОҒ ОСТИ ЙЎЛИ - ИЛК ТОННЕЛ ҚУРИБ БИТКАЗИЛДИ

Водийлар ва шаҳарлардаги ҳаёт-ни анча шошириб қўйган бу йилги қиш тоғда яшаб ишлаётган йўлсоз-лар учун матонат ва садоқат сино-нига айланди. Улар мураккаб ша-роитда меҳнат қилиб, тоғ йўлини кенгайтириш, тош-метин чўққи бағ-ридан тоннел ўтказиш ишларини режадаги муддатда бажаришга эришдилар. Қамчиқ довоида қурилаётган тоннелларнинг иккита-си бугун - 5 апрелда битказилиб, йўллар ўзаро туташтирилиши ҳақида хушxabар таралди. Бу тоғ йўлини янада қисқартириш, ҳара-кат қатновининг хавфсизлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири бўлади.


Халқимизда тўйга тўёна билан ке-лиш удуми бор. Мамлакатимиз йўлсозларининг бу бебаҳо ютуғи Курбон ҳайитимизга муносиб ҳайит-лик бўлди. Бу халқаро аҳамиятга молик қурилиш она юртимизни шони, қудратини дунёда яна бир карра намойиш этганидан соҳибқир-рон Амир Темур бобомиз руҳи ҳам ниҳоятда шодланган бўлса ажабмас.

Ҳа, улғу кунлар олдида доим ях-шилиқлар яралади. Фалабалар ёғилади! Демак, Буюк Ипак Йўли-нинг бундан кейинги йўли ҳам ра-вон бўлади. У Ўзбекистон хазинаси-ни асраш билан бир л, мамлаката-миз омборига катта даромад келти-рувчи манба бўлиб қолади ҳали!

Диққат: танлов!

телевидениеси ва газеталарида берилётган ахборотлар ва ўзингиз тўплаган маълумотлар асосида мақола ёки иншо ёзиб, тахририятимизга йўлланг.

Танлов муддати
1998 йил, 15 майгача.



ПУЛНИНГ УЧИНЧИ ВАЗИФАСИ

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ПУЛ ЖАМҒАРМА ВОСИТАСИ БЎЛА ОЛАДИ?

Вақтинча бўш турган пул маблағларидан унумли фойдаланиш мақсадида банкларда сақланадиган пуллар жамғарма воситасини бажаради. Вақтинча бўш турган маблағлар туркумига:

- ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун фойдадан ажратмалар;
- амортизация ажратмалари;
- иш ҳақи фонди;
- бюджетга ва ижтимоий суғуртага ажратилган маблағлар;
- турли хилдаги ижтимоий рағбатлантириш фондларидаги маблағлар ва ҳоказолар киради.

Бундан ташқари аҳолининг ҳам вақтинча бўш пул маблағлари бўлиб, улар банкларда сақланган ҳолдагина жамғарма воситаси вазифасини бажаради.

Жамғарма воситаси - бу пулнинг жамланган бойлик шаклига кириб, ўз эгаси учун керак бўлганда харид этиш воситаси бўлиб хизмат қила олишдир. Пул - қоғоз ёки танга бўлгани учун бойлик эмас, балки ўзида меҳнатни мужассамлаштиргани, унга ҳамма нарсани харид этиш ёки уни жамлаб сақлаш мумкин бўлгани учун бойлик ҳисобланади.

Банклар томонидан жамғармалар учун тўланадиган фоиз нуқтаи назаридан улар икки турга бўлинади:

- фоиз тўланадиган жамғармалар;
 - фоиз тўланмайдиган жамғармалар;
- Ўз навбатида фоиз тўланадиган жамғармалар эса уларнинг муддати инобатга олинган ҳолда:
- муддатли;
 - муддатсиз жамғармаларга бўлинади.

Муддатли жамғармалар уларнинг эгалари томонидан маълум муддатга, масалан, бир, уч, олти, тўққиз ойга ёки бир, бир ярим йил ва ҳ.к.га қўйилади.

Муддатсиз жамғармалар учун банклар томонидан ҳеч

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЖАМҒАРМАЛАРНИНГ ҚАНДАЙ ТУРЛАРИ МАВЖУД?

қандай муддат белгиланмайди ва уларнинг соҳиблари хоҳлаган вақтида, истаган миқдорда қайтариб олиш ҳуқуқига эгадир.

Банклар одатда муддатли жамғармалар учун муддатсиз жамғармаларга нисбатан юқори миқдорда фоиз тўлайдилар. Фоиз тўланмайдиган жамғармаларга асосан жорий ҳисобларда вақтинча бўш турган маблағлар киради. Бу кўринишдаги жамғармалар кўпинча Фарб мамлакатларида қўлланилади. Улар одатда муддатсиз бўлади,

чунки ҳисоб эгаси истаган вақтда улардан фойдалана олиш ҳуқуқига эгадир.

Юқорида қайд этилган жамғарма турларидан ташқари банклар томонидан аҳолининг бўш маблағларини жалб этиш борасида турли хил мақсадли жамғармалар ҳам очилиши мумкин. Улар жумласига қариликни таъминлаш, турли хил маросимларни ўтказиш, ишлаб чиқаришда юз берадиган бахтсизликларни суғурталаш ва ҳ.к.лар учун мўлжалланган жамғармалар ҳам бўлиши мумкин.

ПУЛ БОЙЛИК ЖАМҒАРИШНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ УСУЛИ

Лекин пулнинг ўзини уйда - сандиқда сақлаш кони зарардир. Балки пулнинг суммаси - йиғиндисини кўпайтириш зарур.

Пул бойлик жамғаришнинг энг қулай усули бўлиб ҳисобланади. Чунки пулда ликвидлик бор, яъни пул ҳамма ерда унда белгиланган номиналга (ёзиб қўйилган миқдор, кўрсаткич, масалан 100 деб ёзилган) қараб тўлов учун қабул қилинади. Пул бошқа ликвидлик воситаларига нисбатан, айтайлик, ер, бино, акция, облигация, сертификатларга нисбатан барқарор восита ҳисобланади, унинг қадрли бир хил сақланади (инфляция бўлмаса), бошқа ликвидлар нархи - қадрли ўзгариб туради.

Аммо шиддатли инфляция шароитида пулни жамғариш бемаънилик бўлади. Пулни олибоқ бирдан сарфлаш қулайдир. Гап шундаки, инфляцияга учраган пулнинг харид қобилияти пасайиб боради ва унга ишонч йўқолади, ҳамма ундан кутулишга интилади, унга бошқа қадрли валютани сотиб ола бошлайдилар. Қадрли валюта бу инфляцияга дучор бўлмаган ёки кам даражада унинг таъсирига берилган валютадир. Масалан, Германия маркаси йилига атиги 2%га қадрсизланади.

Жамғарила бориб харид қобилиятини сақловчи барча пул воситалари пул агрегати деб аталади. Бунга нақд пуллар, маълум муддатга ёки муддатсиз банкка қўйилган пуллар, сертификатлар ва бошқалар киради.

Бундан ташқари жамғармага қўйилган маблағ унинг соҳибига фоиз тариқасида маълум миқдорда даромад келтиради.

АҲОЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ РОЛИ ҚАНДАЙ?

Банкларга жалб этилган аҳоли жамғармалари:

- халқ хўжалигининг муҳим ва зарур тармоқларини кредитлашда;
- мавсумий тармоқларда ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлашда;
- ишлаб чиқариш доирасини кенгайтиришда кенг қўлланилади.

Бундан ташқари жамғармага қўйилган маблағ унинг соҳибига фоиз тариқасида маълум миқдорда даромад келтиради.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Пул:

- Товарлар қийматини ўлчай олади.
- Муомала воситаси вазифасини бажаради.
- Жамғаришнинг энг қулай усулидир.
- Тўлов воситаси ҳисобланади.

2. Қуйидаги қайси омиллар товар нархини пасайтиради?

- Юқори нафлик;
- Кучли рақобат;
- Талабнинг ортиши;
- Таклифнинг камайиши;

3. Бартер - бу:

- Бевосита пул иштирокида содир бўладиган товар алмашувидир.
- Бозор иқтисоди тақозо этадиган товар-пул муносабатидир.
- Товар топиш жуда ҳам осон бўлган шароитдаги товар алмашувидир.
- Товарни товарга бевосита алмаштиришдир.

4. Талон ва купонлар:

- Бозор алоқалари мўтадиллашган шароитда жорий этилади.
- Ўта тақчиллик юз берган шароитда жорий қилинади.
- Пул сифатида чиқарилади ва муомалада қатнашади.
- Товар айирбошлашда пул иштирокисиз қатнашади.

5. Вақтинча бўш турган маблағлар туркумига нималар киради?

- Амортизация ажратмалари.
- Ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун фойдадан ажратмалар.
- Иш ҳақи фонди.
- Бюджетга ва ижтимоий суғуртага ажратилган маблағлар.

6. Муомала воситаси деганда:

- Пулнинг товарни харид этиш ёки товарни пулга айирбошлаш вазифасини бажариши тушунилади.
- Пулнинг ўзида ижтимоий меҳнатни мужассамлаштириш тушунилади.
- Пулнинг жамланган бойлик шаклига кириш тушунилади.
- Пулнинг мамлакатлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, товарлар ва хизматлар учун тўловларни бажариши тушунилади.

ВИЛОЯТ ВА ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ТАШКИЛОТЛАРИ, ФИРМАЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАДБИРКОРЛАР, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!



“ЎҚИТУВЧИ” НАШРИЁТИ 1998 ЎҚУВ ИЛИДАН БОШЛАБ

ўрта мактабларнинг 2-11 синфлари, академик лицейлар, гимназиялар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун мўлжалланган барча турдаги дарсликлар ва қўлланмаларни очик савдога чиқаради ва уларга чекланмаган миқдорда **БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**



Буюртмалар жаҳон андозаларига мос, ЮҚОРИ СИФАТ билан тайёрлаб берилади. Тўловлар исталган турда.

МУҲТАРАМ ТАДБИРКОРЛАР!

25 фоиз савдо чегирмаси билан дарслик ва қўлланмаларни биринчи қўлдан олишга шошилинг, бундан ўзингиз ҳам даромад олишингиз мумкин, ҳамёнингизга ҳам фойда!

1998 — ОИЛА ЙИЛИ ЭКАНИНИ УНУТМАНГ!

Мурожаат учун

манзил:

700129. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, “Ўқитувчи” нашриётининг “Савдо-тижорат бўлими”.
Телефонлар: 144-22-92, 144-23-86.
Факс: 144-26-89.



**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН
 ИҚТИСОДИЙ САВОЛЛАР**

Бир донаси 4 сўм. Бир донаси 2 сўм.

Собир 10 сўм пулига қандай қилса шоколаддан кўпроқ олиши мумкин?

Ўртача ҳароратни топинг.

Қайси тарвуздан олган бўлардингиз?

Теракларнинг ўртача узунлигини топинг.

Рустам бу хариди учун 36 сўм сарфлади. Агар дафтар 12 сўм, музқаймоқ 10 сўм бўлса қаламлар неча сўмдан тушган?

Лолаларни ранги билан сони бир хилда ва ҳаммага тенг бўлиши учун масалани қандай ечиш мумкин?

Битта музқаймоқ 10 сўм туради. Ҳамма пуллари кўшганда 6 та музқаймоққа етмади. Лекин сотувчи болаларга 6 та музқаймоқ берди. Айтинг-чи, музқаймоқ неча сўмдан тушган?

8 сўм 5 сўм 6 сўм 10 сўм 7 сўм 9 сўм

Рустам ёнғоқларни килосини кўтарасига 20 сўмдан олиб, 32 сўмдан сотса қанча фойда олади?

Донаси 1 сўм. Донаси 2 сўм. Донаси 5 сўм. Донаси 3 сўм. Донаси 3 сўм.

Наргиза ҳамма пулини сарфлаб, нималарни харид қилиши мумкин?

Тошкент шаҳридаги 138-мактаб ўқитувчиси Бахтиёр КАРИМОВ йўлаган саволларга "Ёш иқтисодчи"нинг бош расмони Равшан ҚАМБАРОВ компьютерда ишлаган расмлар.



ЧАРХ

БОҒЛАР БЕТОБ БЎЛМАСИН

ДАРАХТЛАРНИ НЕГА ОҚЛАЙМИЗ?

Хар йили баҳорда (баъзан меваларга шира югурган чоғларда ҳам) дарахтларнинг танасини оқлаш одат тусига кирган. Қани, ким билади, нима учун яшил дўстларимиз уйғониб, энди яйрай-яшнайдиган даврда уларнинг танасига оҳак чаплаш адолатданми? Шарофатлими? Бу - инсон манфаати учунми ва ё ўсимлик фойдасигами?

Дарахтларнинг гулларини, меваларини асраш учун ҳашоратлар йўлини тўсиш учун оҳак суртилади, дейсизми? Жуда тўғри!

Лекин... Унда меваси йўқ, гулининг ҳам унчалик ифори йўқ терак, тол, чинор, бақатерак каби дарахтларни оқлашимиз боиси нимада?

Демак, мевалию мевасиз дарахтларнинг ҳаммасини ҳам турли кушандалардан ҳимоя қилиш учун дарахтнинг танасини бир оз ачиштириб бўлса-да, уларни

оқлаб қўямиз. Бу билан биз, энг аввало, "яшил қон"хўр чумолилар йўлига гов ташлаймиз.

"Чумолидай беозор нарса йўқ-ку" деб бу меҳнаткаш жонзотни ҳимоя қилиш учун оғиз жуфтлаётирсиз. Бу митти жониворларнинг меҳнатини, гайратини ҳеч ким инкор этмайди. Гап нега дарахтларни оқлаш хусусида борар экан, текин овқат бор жойда ҳатто чумолилар ҳам тайёрга айёр бўлиб олиши мумкинлигини ҳам назардан соқит қилмаслигимиз даркор. Яна денг, шира (ўсимлик бити) дек ялқов, мечкай бошқа бир жонзот бор жойда меҳнаткаш чумолининг "тадбиркор"лигидан ҳайратланишни ҳам, нафратланишни ҳам билмайди одам. Чумоли ҳаётига ширанинг нима даҳли бор дейсизми? Марҳамат, бу ҳақда илмий маълумотларнинг айримлари билан танишинг.

ТЕКИН ТОМОҚЛИКНИНГ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?

Маълумотлар:

Дарахтда яшовчи ўсимлик битларининг ҳар бири кунига 25 миллиграмдан чучук шарбат тайёрлайди.

Қора чумоли қуриб қолган дарахт тўнкасига ин қўяди, уларнинг галасини тахминан 20 минг чумоли ташкил этади. Ана шундай гала ёз мобайнида ўз "сигир"ларидан 5,107 литр (!) "сут соғиб" олади. Қора чумоли кўпинча дуккакли ўсимликларда яшайдиган шираларни "соғади".

Шаҳар чеккасидаги иморатларга ўрнашиб оладиган кўнғир ранг боғ чумолилари галасида 4000 та чумоли уюшган бўлиб, улар ёз ичи 1,7204 литр "сут"ни қабул қилиб олади.

Қора чумолининг "сут" ташийдиган идиши - жигилдонига атиги 2 куб мг., кўнғир ранг чумолиниқига эса 0,81 куб.мг. суюқлик сиғади. Қора чумоли инига 5 л ширин сут олиб келиши учун "яйловга" - демак, дарахт ёки ўсимлик баргига 2 млн. 124 минг марта бориб келиши керак. Тўғри, бу 5 литр сутни битта чумоли эмас, индаги "ишчи ходимлар"нинг 15-20 фоизи олиб келади. Шунда ҳам ёз ичи бунча "сут"ни ташиб кетиш учун 1 та қора чумоли камида 500 марта, ҳар 1 кўнғир чумоли 2 ярим минг марта барглар билан уя орасида қатнайди, яъни кунига 25 марта югуриб бориб-келиш лозим.

ЧУМОЛИЛАРНИНГ «СОҒИН СИГИР»И

Дарахтларнинг баргларида, шохларида ва ўт-ўланларда ғуж-ғуж тўпланган, ғужғон ўйнаётган зигирдек майда, имирсилловчи ҳашоратни кўргансиз, албатта, улар баъзан барг ва шохларни бутунлай қоплаб олган бўлади. Кўзга аранг кўринадиган бу ҳашорат ер тагида ҳам зиён-заҳмат етказиши: ўсимликлар илдизининг ширасини сўради. Бу - ўсимлик бити - ширадир.

Одамлар сигир соққанидек, чумолилар ҳам ўсимлик битини соғиб ичади. Чумоли мўйлаби билан ўсимлик битини қитиқлаб, чучук ва тўйимли шира ажратиб мажбур қилади.

Ўсимлик бити эса шу қадар дангаса, лапашангки, жойидан аранг жилади. У ўсимликнинг юмшоқ


новдасида туғилиши (кузда қўйилган тухумлардан баҳорда жонланади!) биланок хартумчасини санчиб, новданинг пўстлогини тешади ва ўсимлик шираси билан озиқлана бошлайди. У ўта мечкай, сўрган ширасини ҳазм қилиб улгурмаганидан унинг ортиқчасини қорнининг кейинги томонидаги иккита найча орқали чиқариб ташлайверади. Бу шира шақаранг ёки чумоли сути дейилади.

Чумолилар аввал баргларидаги томчи ширани шундайгина ялаган бўлса керак. Кейин уни ўсимлик битини қорнидан "илиб олиш"га одатланишган, бора-бора улар апоқ-чапоқ бўлиб кетишган: ўсимлик битининг баъзи турлари қорнига шира тўлиб кетса ҳам чиқариб ташламай, чу-

молиларни чидам билан кутади ва маҳсулотни уларга "қўлма-қўл" топширади. Чумоли - чўпон бу чучук суюқлик томчисини жигилдонига жойлаб дарахт танаси бўйлаб пастга югуради. Йўлда қариндоши - ҳаммол чумолини учратганидан кейин тўхтаб, у билан "саломлашади", бирпас суҳбатлашади, кейин чучук сувини унга топшириб, ўзи орқасига - ўсимлик бити олдиға қайтади. Баъзи ўсимлик битлари чумолилар "соғаётган" пайтда деярли ҳар минутда томчи-томчи шира ажратиб туради. Демак, улар ўсимлик ширасини чумолилар оғзига узлуксиз қўйиб турадиган (уни қанд моддаси билан бойитади!) жонли насосга айланади.



БОҚҚАНИНИ БОШИДА КЎТАРИБ ЮРАДИГАН ЯЛТОҚЛАР



боқувчиларини кўчиришда жуда садоқатли: ёлғиз қолдиришмайди, посбонлик қилади; бир жойдан иккинчи жойга эса уларни бошларида кўтариб ташийди.

Чумолилар ўз энагалари - боқувчиларини ғанимлардан ва ёғин-сочиндан ҳимоялаш учун "молхоналар" қуришади, яъни улар ғуж-ғуж тўпланган ўсимлик пояларини лой билан сувашади, сувоқ устиға "ертўла" қуришади. "Соғин сигирлар" бу ертўла гумбази остида ўсимлик ширасини беҳавотир сўраверади. Кўпинча ўсимлик, ўт-ўлан ва дарахтларда, чунончи ўтлама, сачратқи, баргизуб каби ўтларда, айниқча терак пўстлогидидаги чуқур ёриқлар устида бундай пистирмаларни кўплаб учратиш мумкин. Худди ана шу одам кўзидан пана қилиб олинган жойларда икки текинхўр - ўсимлик бити билан чумолилар галаси биргалашиб яшил дўстларимизнинг тиниқ қонини сўриб ётадилар ва ўсимликлар ҳамда дарахтларнинг мадорини қуритади.

Шохлар, пўстлок, барглари қовжиратадиган бундай вампирлик ер остида - илдизларнинг ҳам бошиға бало бўлиб ёпишади.

Одий кўзга унча ваҳимали бўлиб кўринмайдиган бундай кўринмас ёвлардан яшил дўстларимизни асраш учун дарахтлар танасини оҳак билан оқлаб қўйишимиз сабаби шунда!
 Дарвоқе, шу кунларда Сиз дарахтларингизни оқлаб қўйишға улгурдингизми? Мабодо ҳали бу ишға қўл урмаган бўлсангиз - шояннинг: 2 ҳафтача имконишгиз бор, азизлар!
 Тилсиз боғларға наҳот беринг!

ЎРМОНДАГИ МАКТАБДА

Кўнғироқ чалинди. Ҳайвонлар ўз парталарига ўтирганларидан сўнг, учта жой бўш қолди.


Дарсға ким келмади? Ана, типратикон мактабға ошиқмоқда. Унга лабиринтдан тезроқ ўтиб олишиға ёрдамлашинг.

Айик ўқувчиларға топширик тайёрлаб қўйибди. У доскаға расмини илиб, уларни бир-бири билан боғлаб шун-

дай деди: "Агар ким илондан бошлаб йўналиш бўйича кейинги расмға қараб юрса ва навбатдагисига давом этиб кетавериб, ҳар бир расм номининг биринчи ҳарфларини қўшиб чиқса ҳаётимиз учун энг керакли бўлган сўзни ўқиши мумкин."

Тулки қўлини кўтармоқда. У бу сўзни топибди.

Сиз-чи, ўқий оласизми?





КИЧИК ФЕРМЕРЛАР КИМЛАР?

Яшаётган мамлакати қудратига мутаносиб равишда фермер хўжаликлари ҳам ҳар хил бўлади. Камбағал мамлакатларнинг фермер хўжаликлари унча катта бўлмайди. Дехқонлар ўз томорқаларида фақат ўзлари учунгина маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Баъзи ер эгалари эса хўжаликларида чорвалари учун кичик ҳудудларга экадилар.

Жанубий Африкадаги Яномамо қабиласининг ер эгалари тропик ўрмонда томорқа учун кичик ҳудуд очиб оладилар. Бунда баъзи дарахтларни атайлаб, унумдор тупроқ учиб кетишидан ҳимоя қилиш учун қолдирадилар. 2-3 йил ўтиши билан яна ер майдони текисланиб янги кўчатлар экилади-да, бошқа дарахтзорлар кесилади.

Саҳроларда яшовчи аҳоли ўзларини сут, гўшт билан таъминлайдиган туя ва эчкиларни ўз қарамоғларида сақлашади. Чорвани боқиш учун эса мунтазам кўчиб юрадилар. Баъзи кичик фермерлар ўз истеъмоллари учун кўпгина маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Маҳсулотнинг ортиб қолган қисмини бозорга олиб чиқарадилар.

Аҳолисининг асосий қисми шаҳарда ишловчи бой мамлакатлар фермерларининг ер майдони камроқ бўлади. Экин экиладиган ҳудудларнинг катта-катта қисмида фақат бир хилдаги маҳсулот етиштирилади ёки бир турдаги жониворлар боқилади. Америкада катта далаларга галла, Ўзбекистонда пахта, Россияда картошка экилади.



СОВУҚ ҚУТЪЛАРДАГИ ҲАЁТ


Ҳозир ўлкамизда баҳор. Ҳаммаёқ ям-яшил либосга бурканмоқда. Лекин заминимизнинг шундай жойлари борки, улар мангу музликлар ўлкасига айланган. Арктика ва Антарктика ер шарининг энг совуқ ҳудудларидан саналади. Бу иқлим шароитида жуда кам ҳайвонлар яшайди. Лекин бу совуқ шароит иқлимига кўникма ҳосил қилган ҳайвонлар ҳам учрайди.

АРКТИКА „АҲОЛИСИ“

Арктикадаги энг йирик жонивор - оқ айиқлардир. Улар асосан денгиз мушукларини (тюленларни) ейиш билан кун кечирадилар. Фақатгина моржлар оқ айиқдан ҳайиқшмайди. Моржлар балиқ ва моллюскаларни ейди. Улар ҳатто оқ айиқни ўлдиришга ҳам ўзларида куч топа олади. Оқ айиқларни фақатгина шу ерларда учратиш мумкин. Мабодо, қор бўрони бошлангудек бўлса, оқ айиқлар қор ичига гор ясаб, бўрон тингунча қор горда мазза қилиб ухлашади.



АРКТИКАНИНГ ИССИҚ КУНИ



Ер шарининг шимолий қисмини эгаллаган Муз океани билан қопланган макон - Арктикадир. Бу жуда совуқ ҳудуднинг ёздаги энг иссиқ пайтида ҳарорат +10°ни кўрсатади, холос.

ЭЙ, ОППОҚ БУЛУТЛАР!

Баҳор, куз келди дегунча ёгингарчиликлар бошланади. Бир зумда ҳамма ёқни булут қоплаб, чақмоқ чақадию, шаррос ёмғир қуяди. Кейин камалак, яна бобо кўёш... Қизиқ, бу булутлар қандай пайдо бўлар экан-а?

Булут ҳаводаги миллионлаб томчилар ва муз заррачаларининг йиғиндисидан ҳосил бўлади. Булутлар ҳар хил шаклда ва баландликларда жойлашган бўлади.

Патсимон булутлар музчалардан ҳосил бўлиб, жудаям баландда жойлашади. Улар кўпинча ёмғир ёғишидан дарақ беради.

Тўп-тўп патсимон булут



яқин соатларда об-ҳаво ўзгаришидан далолат беради.

Ёмғирли - қат-қат булутлар кўпинча ўзлари билан қор ёки ёмғир олиб келади-лар.

Тўп-тўп булутлар, ёзнинг кўёшли осмонида сузиб юради.

Қат-қат булутлардан кўпинча ёмғир ёғади. Энг паст булутлар Ернинг устки қатламига тушиб, туман деб аталади.

Азиз болалар, биз сизларга газетамизнинг аввалги сонларида жажжи компьютерлар, телевизор ва компьютердан фойдаланиш ҳақида бир қанча маълумотлар берган эдик. Бугун яна шу мавзунинг давом эттирамиз.

Биринчи компьютер иккинчи жаҳон уруши даврида яратилган. Бу пайтда унинг вазифаси Герман ва Япон кўшинларининг маҳфий кодларини ўзлаштиришдан иборат бўлган. Компьютернинг бу илк нусхалари жуда катта ҳажмли ва кўпол эди. 1950-1960 йилларга келиб олимлар тобора мураккаблашган, ихчамлашган сифимдаги, компакт блокларини ярата бошладилар. Изланишлар натижасида минглаб блокларни инсон тирноғидек ўлчамга сифдириш имкониятига эга бўлдилар.

Компьютер билан мулоқот қилишнинг ҳам ўзига яраша қонун-қондаси бор. Компьютер билан мунтазам мулоқот инсон ҳаёти учун хавфли.

Компьютерда ишловчиларга аҳамият берилса, улардан кўпчилигининг кўриш қобилияти пасайганлигини кўрамыз. Бунга сабаб машина дисплейларидан чиқадиган турли



электромагнит нурлар. Электромагнит нурлар, ўз навбатида, яхлит организмга ҳам салбий таъсир қиладди. Бу кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун компьютерда ишлаш шароитларини яхшилаш керак. Экранны кўздан камида 50-55 сантиметр узокликда бўлиши шарт. Компьютергагина боғланиб қолган боланинг муомала муносабати ҳам сусайиб боради. Машинада ишлаётганда кўзга дам бериш, ҳар хил машқлар қилиб туриш керак. Компьютерда ўтирган бола ўша кунини телевизор кўрмагани маъқул. Чунки бу ҳолатда боланинг кўриш қобилияти ва асаб тизими қаттиқ зарарланади. Куйи синф ўқувчилари 1 кунда компьютер қаршида 10 минут, 7-8 синф болалари 15-20 минут, юқори синф ўқувчилари 25-30 минут ўтиришлари мумкин.

Бугунги кунда кўпгина соҳаларни компьютерларсиз тасаввур қилиш қийин. Масалан, авиация ё темир йўл компанияларининг диспет-

черининг фаолияти бугун кўп жиҳатдан компьютерлар иши билан боғлиқ. Ишдаги озгина хато катта фожияларга сабаб бўлиши мумкин. Худди шу сабабли ҳам бу соҳаларда ҳатто салбий ҳодисаларни ҳам компьютер орқали амалга оширишга ҳаракат қилувчилар бор. Хусусан, жиноятчилар шу нарсадан кенг фойдаланишади. Яқинда Санкт-Петербургда бўлган воқеани эсланг. Босқинчи компьютер орқали Нью-Йорк банкларидagi ҳисоб-китобига "кириб", ундаги ҳисоб рақамидан миллион долларни ўмариб кетган. Компьютер ўғрилари машинадаги паролни билиб олиб, компьютер тармоғига кириб олади. Ўтган йили Пентагон компьютер тармоғига ўғрилари 160 минг марта киришган. Америкаликларнинг таъкидлашларича, унда маҳфий бўлмаган ҳужжатларни ўқиб олганлар. Лекин бу маълумотлар ҳам кимларгадир қимматга тушган. Уларнинг ҳам ҳаётида ўз ўрни, салмоғи борлиги табиий.

Қисқаси, компьютер салтанатининг ҳам ўзига яраша муаммолари кўп.

Компьютер билан қанча яқин дўстлашсангиз, унинг бой оламини шунча яхши ўзлаштирасиз.

АНТАРКТИДА:

Ер юзининг иккинчи чеккаси Антарктиданинг катта қисмини Антарктида материги эгаллаган. Унинг ер майдони АҚШдан бир ярим баробар кўп. Шу пайтгача Антарктида ҳудудининг учдан икки қисмига одам бегина етмаган. Мана, 4 миллион йилдирки, бу ерда фақат музликлар салтанати ҳукм суради.

БИЛАСИЗМИ?


Ҳозирда кенг тарқалган, масалан картошка ва шу каби маҳсулотларни XVI асргача Европада билишмаган. Картошка Жанубий Америка тоғларидан олиб келинган. Шунингдек, Америкадан Европага тамаки, помидор ва қизил гармдор келтирилган.

● **Бананлар ер остида ўсиши тўғрими?**

● **Куйидаги мамлакатлардан қайси бири кенг миқёсда чой ишлаб чиқмайди?**

- Хитой
 - Ҳиндистон
 - Бельгия
- **Кофе қаерда кўпроқ етиштирилади?**
- Бразилия
 - Қозғистон
 - Россия.






„Кўпни кўриб фикр қил“

“Ёш иқтисодчи” 22-23-сонлар. 24 март, 1998 йил

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

1. Исм шарифингиз, қаерда, нечанчи синфда ўқийсиз?
2. “Ёш иқтисодчи”ни ўқиб борасизми?
3. Унинг қайси жиҳатлари ёқади, қайси жиҳатлари ёқмайди?
4. Яна қандай мавзуларни ёритсак, қизиқарлироқ чиқарди?
5. Мактабингизда, синфингизда “тадбиркор ўқувчи”лар борми? Улар нима билан шуғулланишади? Уларга сизнинг муносабатингиз?
6. Пулингизни (агар бўлса) нималарга сарфлаган бўлур эдингиз?
7. Келажакда ким бўлмоқчисиз? Орзу қилган касбингизнинг нимаси сизга ёқади?
8. Фанларни керакли ва кераксиз каби гуруҳларга ажратасизми? Агар ажратсангиз, нима учун?



1. Мен **Мусаева Мамлакат** Навобод қишлоғидаги 36-сон ўрта мактабнинг 6-синфда ўқийман. Бизнинг мактабимиз Бўстонлиқ туманида жойлашган. Дарслар тожик тилида ўтилади.

2. Ҳа, “Ёш иқтисодчи”нинг ҳар бир сонини севиб ўқиб бораман.

3. Менга унинг ҳамма жиҳатлари ёқади. Бу рўзнома жуда болаларбоп рўзномадир. Ўзбек тилини ўрганишимда у энг яқин ёрдамчим бўляпти.

4. Олдинги сонлардаги каби инглизча-ўзбекча сўзлашгич, қиз болалар учун уй-рўзгорни озода тутиш, кўпроқ бичиш, тикиш, тўқиш, ширинликлар пишириш сингари маслаҳатлар кўпроқ бериб борилса дейман.

5. Мактабимизда “тадбиркор ўқувчи”лар борлигини билмайман. “Тадбиркор ўқувчи” деб кимларни, қандай болаларни тушунсам бўлади?

6. Агар пулим бўлганида бичиштиқиш сирларини ўрганганидан журнал сотиб олган бўлар эдим. Чунки ўзим мустақил бичиб-тиксам дейман.

7. Келажакда мен бошланғич синф ўқитувчиси бўлишни орзу қиламан. Ўзим ёш бўлсам ҳам кичкина болаларни ёқтираман. Мен ҳозиргача биринчи ўқитувчимни севаман.

8. Фанларни керакли ва кераксиз гуруҳларга ажратмайман. Чунки ҳамма фанлардан оз-оз бўлса ҳам хабардор бўлишни истайман.

Хайр! Саломат бўлинглар!

1. **Фозилова Насиба**, Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида яшайман, 8-синфда ўқийман.

2. “Ёш иқтисодчи”ни қизиқиб ўқийман.

3. Менга “Ўйин майдончаси”, “Дунё дарчаси”, “Чарх” мавзудаги саҳифалар ёқади. Ундан биз фаройиб воқеаларни билиб оламиз. Ёқмайдиган жиҳати йўқ.

4. Яна дунёларда бўладиган турли хил воқеалар, тенгдошларимиз ҳаёти ва биология фанидан ахборотнома тестлари бериб борилса.

5. “Тадбиркор ўқувчи”ларнинг ҳаммаси савдогар. Уларга муносабатим ёмон. Чунки улар илм олишни истамайдилар. Киссалари сал қаппайса, ўзларини йўқотадилар. Бировни менсимайдилар.

6. Пулим бўлса, кўпинча бадий ва эртак китоблар харид қилишга сарфлар эдим.

7. Келажакда фельдшер-акушер бўлмоқчиман. Ватаним ривожига озгина бўлса ҳам ҳисса қўшсам, дейман. Онажонларимизга ёрдам қўлини чўзсам.

8. Ҳа! Чунки медик бўлиш учун кўпинча биология, химия, она тили ва адабиёт фанлари керак бўлади. Мусиқа, расм, алгебра ва бошқа фанлар ўз йўлига.

1. Мен **Оромова Ойнисо** 1982 йил Бухоро вилояти, Гиждувон туманида туғилганман. Ҳозир 32-мактабнинг 10-“А” синфда ўқийман.

2. Ҳа, мен “Ёш иқтисодчи”ни севиб, бирорта сонини ҳам қолдирмай ўқийман.

3. Менга “Ёш иқтисодчи”да бериб бориладиган “Чарх”, “Компас”, “Дунё дарчаси” саҳифалари ёқади.

4. Бу ўзингизга ҳавола.

5. Бизнинг синфимизда тадбиркор ўқувчилар йўқ. Чунки биз яшаётган жой қишлоқ. Лекин магазин ва шунга ўхшаш савдо дўконлари бор. Бозор йўқ. Узоқда.

6. Мен пулимни ахборотномалар, ручка, дафтар ва керакли китоблар олишга сарфлайман.

7. Келажакда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлмоқчиман. Оиламиз - ўқитувчилар оиласи: дадам туманда номдор ва обрўга эга бўлган методист, уч опамлар ҳам ўқитувчи. Лекин уйдагилар менинг шифокор бўлишимни иштади.

Мен эса шеър, рубоий, ғазал ўқишга, дарс беришга қизиқаман. Болаларни жуда севаман.

8. Мен фанларни зарур-нозарурга ажратмайман. Ўтилаётган барча фанлар керакли. Биз рейтинг усулида дарс ўтамыз.

“Ёш иқтисодчи”! Мен истардимки, сенинг доимий мухлисинг бўлиб

қолишни. Илтимос, бундан сўнг ҳам айнима. Ўз мазмунинг йўналишингни сақлаб қол. Ҳозир ўқувчилик давримда дўстлашдинг, ўқитувчи бўлиб ишлаш чоғларимда ҳам керакли ҳамроҳим бўлиб қол. Мухлисларинг яна ҳам кўпайиб борсин.

1. **Абдурашидова Наргиза**, Гулистон шаҳридаги Навоий номли 9-мактабнинг 8-“А” синфда ўқийман.

2. Албатта, бир саҳифасини қолдирмай ўқийман.

3. Унинг менга “Ўйин майдончаси” жудаям ёқади, ёқмайдиган жойи йўқ, чунки бу газетанинг ҳамма саҳифасини қизиқиб, қолдирмай ўқийман.

4. Яна, қизиқарли латифалар, топишмоқлар, биз эса ўша топишмоқлар жавобини топиб, ёзиб юборишни истардим. Ўшанда янада қизиқарлироқ бўларми-ди!

5. Бор. Улар ўзларининг иш ўрнини очади, ўшанга қизиқишади. Масалан, кўпчилигининг дадалари фирма очишган. Тадбиркор ўқувчилар оталари, оналари ёнида ёрдамлашиб иш бажараяпти. Иш ўрганишяпти. Уларга менинг муносабатим яхши. Тўғри қилишяпти улар. Иқтисодни, хўжалик юритишни ўрганишяпти. Ахир бунақада бизнинг шаҳримизни ҳам кўтариши мумкин. Улар бизнинг бозоримиздаги товарларимизни янада хилма-хил қилмоқда. Катта бўлса, ўзлари ҳам янги товарлар ишлаб чиқаришлари аниқ. Чунки ҳозирдан кўзлари пишяпти.

6. Агар менинг пулим бўлганда эди, ўзимга керакли нарсаларни, масалан, ручка, дафтар, қаламлар олардим. Агар ошиқча пул бўлганида, ҳинд актёрлари расмларини ҳам албатта олар эдим. Чунки мен уларни йиғаман. Лекин баъзилар ёмон кўради. Билмадим.

7. Банкир бўлмоқчиман. Орзу қилган касбимни онам танлаган, мен шу касбни севаман. Пуллар санашни, қайтим беришни ёқтираман. Масалан, синфда нимага пул йиғсак мен йиғаман, чунки мен синфда кассирман.

8. Йўқ. Чунки келажакда ҳамма фанлар керак бўлади. Албатта, керак бўлади.

1. **Меликўзиева Саодатман**. Кўкон шаҳридаги Собир Абдулла номли 25-ўрта мактабнинг 8-“Б” синф ўқувчисиман.

2. Албатта!

3. Ҳаммаси ҳам яхши.

4. Кўпроқ маънавият, ёшларнинг ички кечинмалари мавзусини ёритсангиз ва кенгайтирсангиз яхши бўлар эди.

5. Албатта, ҳаммасини билмайману, лекин муносабатларимизга гап йўқ.

6. 1-ўринда дўстимга совға олардим.

7. Банкир бўлмоқчиман. Банкирликка қизиқиш ҳақида гап кўп, ёзсам бир хатга сиғмасе керак.

8. Албатта! Билимнинг ортиқчаси, фанларнинг кераксизи бўлмайди. Масалан, мен ажратмайман.

Азиз таҳририят ходимлари, Сизлардан янада қизиқарли саҳифаларни кутиб қоламиз. Салом билан, доимий мухлисингиз Саодатхон.

БОЛАЛАР ҲАҚИДАГИ ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ - ЧЕТ ЭЛГА БОРАДИ

Куни кеча киночилар уйида яна бир ноанъанавий кўрик бўлиб ўтди. Унда ҳужжатли фильмлар ишлаб чиқараётган студиялар ўз маҳсулотлари билан қатнашдилар. Жумладан, Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси 7 та, “Достонфильм” 2 та, республика видеомаркази 2 та, Ўзбектелефильм 5 та экран асари билан қатнашди. Кўриққа қўйилган ҳужжатли экран асарларининг гоёвий йўналиши яратилиш услуби, мазмун турли хил бўлди. Улар санъат ва публицистика даражасига, савиясига қараб сараланди. Ҳакамлар ҳайъати маъқул деб топган ҳужжатли фильмлар ёз ойларида Германияга йўл олади. Бу имкониятга “Достонфильм” ишлаб чиқарган, таникли кинорежиссёр, муаллиф Даврон Салимов режиссёрлик қилган “Хор” ва ҳужжатли фильмлар студияси яратган, муаллиф, режиссёр Жасур Исҳоқов ижодига мансуб “Зулмат салтанати” номли видео йўлида тасмага туширилган ҳужжатли фильмлар эга бўлдилар.

“Хор” республикамизда фаолият юритаётган кар-соқов интернатининг иқтидорли тарбияланувчилари ҳақида. Санъат чегара билмаслиги, гўзалликни қалбан ҳис қилиш туйғуларини нозик чизгиларда чизиб беришга жазм қилган режиссёр тўла маънода мақсадига эришган. Кишини ҳайрату, ҳаяжонга соладиган, сукунат оламининг бандалари қалб нолаларини нозик қўлчалари базўр тутган мусиқа асбоблари орқали, маъносиз нигоҳлари қанотида биз - томошабинга етказиб берганида юракнинг туб-тубида мудраб қолган одамийлик туйғулари исён қилади. Бу лирик-фалсафий очеркда ёшларнинг ички дунёси, гўзалликни қабул қилиш, идрок этиш эҳтиёжи бирорта сўзсиз таърифланади.

“Зулмат салтанати”да ёшларни гиёҳвандлик домига тушиб қолиш сабаблари, бу дарднинг даҳшатли оқибатлари хусусида сўз юритилди.

Асар ҳужжатли ҳаётий кадрларга, далил ва тақдирларни очиб берувчи воқеаларга бой бўлгани сабаб ҳам томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Бу икки фильм ҳужжатли экран камераси тобора болалиқнинг беғубор кўчаларига, ёшлиқнинг довонларига зийрак нигоҳ ташлаб бораётганидан далолатдир.



**КУНЧИҚАР МАМЛАКАТДА...
 ЯНГИ ЎҚУВ ЎИЛИ БОШЛАНДИ**

Апрель - япониялик болалар учун орзиқиб кутилган ой. Чунки бу кунчиқар мамлакатда янги ўқув йили апрель ойидан бошланади ва келаси йилнинг мартигача давом этади. Бу давр ичида болалар ёзда бир неча ҳафта, янги йил кунлари икки ҳафта дам оладилар. Янги ўқув йили олдидан ҳам ўқувчиларга ярим ой таътил берилади.

**ИМТИҲОН - ДАВЛАТ
 МИҚЁСИДАГИ МАСАЛА**



Японияда ўқиш-ўқитиш ишлари давлат томонидан қаттиқ назорат остида туради. Чунки иккинчи жаҳон урушида катта талофат кўрган бу мамлакат тикланиш, тараққиёт асосини таълим тизимини ислоҳ қилишда деб билди. Давлат хазинасининг асосий қисми ўқитиш тизимига сарфланади. Бу 20-30 йилда Японияни дунёдаги энг тараққий этган мамлакатлар сафига олиб чиқди. Бу юртда мактабга, университетга талаб нақадар кучли эканига мана бу мисолни айтиш кифоя: бу ерда ҳар бир ўқувчи ҳар қандай ўқув масканига кириш имтиҳонлари топширади.

Агар у имтиҳонлардан ўта олмагани ўқишга қабул қилинади. Мабодо... бирор киши кириш имтиҳонлари саволлари жавобини олдидан ўқувчи ёки талабага билдириб қўйса, у одам ватан хоини сифатида жазоланади.




**ЎҚИШ-ЎРГАНИШ -
 ҲАММАГА МАЖБУРИЙ**

Кунчиқар мамлакатдаги болаларнинг 99 фоизи давлат мактабларида таълим оладилар. Фақат болалар ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчиларининг учдан бир қисмигина хусусий таълим машғулотларига қатнаши.

Японияда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларга мажбурий таълим жорий қилинган. Боғча - бошланғич таълим (6-12 ёш) - тўлиқсиз ўрта таълим (12-15 ёш) - ўрта таълим (15-18 ёш) тизими давмида ўқувчилар табиий, ижтимоий ва иқтисодий билимлар асосларини тўла ўзлаштирадilar.

Ўқувчилар ҳафтада 5 ёки 6 кун мактабга бори-



шади ва ҳар куни 7 соат ўқишади. Тўғри, бу орада 55 минутлик катта тушлик - танаффус ҳам бор. Бошланғич мактабларда бир синфда ўқувчилар сони 40 тадан ҳам ортиб кетади баъзан. Бутун синф жамоалари навбатлашиб тартиб билан мактабда навбатчилик қилади.

Навбатчилар ўқитувчилар кабинетлари, синф хоналари, йўлақлар, спорт майдонларидан тартиб ҳолатхоналарга ҳам ўзлари тозалашади.

**БИЛИМ БЕРИШ - ҲАММАНИНГ ИШИ
 ОЛИШ - ДОИМИЙ ЮМУШ**

Тўлиқсиз ўрта мактабни битирган ўсмирларнинг 97 фоизи ўрта мактабда ўқишни давом эттирадilar. Уларнинг тўртдан уч қисми ўрта умумтаълим мактабларида қолса, қолганлари эса ўрта махсус билим юртларига йўлланма оладилар. Шундан сўнг улар турли касб-хунар ўргатувчи коллежларга имтиҳон топширадilar...

Имтиҳон... Дарвоқе, юқорида ёзганимиздек, Япония мактабларида,



коллеж ва олий ўқув юртларида имтиҳон масаласи жуда қаттиқ. Ўқиш ҳам энг юқори ва ўта замонавий мезонларда олиб борилади. Бу талабга жавоб бериш учун, ўқув дастурларини яхши ўзлаштириш учун ўқувчилар аввал боғчаларда сўз дэюку ёки ёбико деб номланувчи ёрдамчи таълим масканларида қўшимча билим оладилар. Бу қўшимча таълим масканида машғулотлар асосан дам олиш кунлари ва болаларнинг мактабдан бўш вақтларида ўтказилади.

Ёрдамчи таълим олишга ҳам, саёҳатга ва бошқа дам олиш тадбирларига ҳам ўқувчилар бутун синф бўйича қатнашадilar.

БАЙРАМЛАРДА ЎСАР БОЛАЛИК

Ўйинсиз болалик - болаликми? Болаларсиз катталарга байрам - байрамми? - Йўқ, албатта!

Катта-кичик ҳамма фуқаросига бирдек талабчан Японияда ҳам болаларга алоҳида имтиёзлар яратилган. Масалан, болалар 7 ёшга тўлгунга қадар уларга сунъий толадан тўқилган кийим кийдириш тақиқланган. Жажжи фарзандлар эркин, соғлом ўсиши учун уларга пахта, ипак ёки жундан тўқилган табиий матолар кийдирилади.

Ҳар бир хонадондаги телевизор экранидан болалар турли ўйинлар ўйнаш имко-

ни бор. Масалан, тугмачалар ёрдамида гольф, бейсбол, автопойга, бокс ёки каратэ ўйинларини тасвирда


бошқариш мумкин. Бундай мароқли машғулотлар сафар чоғида ҳам болаларга ҳамроҳ; ўйинлар дастурлари



бор мўъжаз телевизорлар мамлакатдаги кўплаб оила бисотида топилади.

Японияда махсус болалар байрамлари ҳам мавжуд. 3 март - қизлар учун Қўғирчоқлар байрами. Ўғил болалар эса 5 майда Болалар куниде мириқиб яйрашади. Юлдузлар куниде - 7 июл, асосан ёшлар байрами. 3 ёшга, 5 ёшга, 7 ёшга тўлган болакайлар эса ҳар йили 15 ноябрда "Сити-го-сан" ("еттибеш-уч") деб номланган байрамга чиқадилар. Шу куниде болажонлар этикоднинг илк сабоқларини оладилар. Маънавият оламига сайр этадилар.

ҚОҒОЗ ПИЁЛА ҚАНДАЙ ЯСАЛАДИ?




1. Рангли тўртбурчак варақни диагонали бўйлаб 2 буклайсиз. (Рангли томон ташқарида қолсин).
2. Букланган варақнинг устки ярмини пастга қайиринг. Бунда унинг ўнг томони учбурчакнинг асосига мос тушсин.
3. Қисмларни шундай қайирингки, 3-расмда кўрсатилганидек, нуқталар қарама қарши томондаги мос нуқталар билан устма-уст тушсин.
4. Энди қоғозни шундай

- қайирингки, энди қарама қарши нуқталар, расмдагидек, бир-бирига мос тушсин.
5. Шаклнинг юқори қисмида турган учбурчакнинг устки бўлагини пастга букланг.
6. Айлантинг, юқоридаги қопқоқни ичкарига букланг, бунда бу учбурчакнинг мос нуқталари бир-бири билан устма-уст тушсин.
7. Энди қоғоз пиёлангизда хоҳласангиз чой, хоҳласангиз шарбат ичинг.

**САВОДХОН БЎЛИШ
 ОСОНМАС**

Японияда амалиётда уч хил алифбодан фойдаланилади. Бу алифболарни болалар 6 йилда тўлиқ ўзлаштириб оладилар.

Биринчиси - Хитой иероглифлари бўлиб, унда 2.000 тадан ортиқ шартли белги бор. Иероглифларни кандзи деб юритадилар. Бу ёзув Японияга VI асрда кириб келган. Бироқ Хитой тили товушлари билан япон тили товушлар тизими орасида фарқ бор. Шунинг учун Японияда "хирагана" ва "катакана" деб номланувчи 2 хил имло ҳам жорий этилган. Бу ёзувларнинг ҳар бирида 46 тадан ҳарф бор. Қисқаси, бошланғич мактабни битираётган 12 яшар япон болалари 92 та ҳарфни ва камида 1000 та киндзи белгисини ўрганиб, тўла саводхон бўлиши шарт. Бу талаб ҳали фақат ёзиш ўқиш сабоғига дахлдор. Бундан ташқари ўқувчилар бошқа ўнлаб фанларни мукамал ўрганиши талаб этилади.



Токиода чиқадиган "Фото Япония" журнали материалларидан фойдаланилди.




ЎЙИЧ МАЙДОНЧАСИ




“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗНИ КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони,
 2-уй, 402-хона (Музаффар Пирматов).


Мулоқот учун телефон:
 (371) 139-49-32, 139-16-19.
 Факс: (371) 139-48-23.




Жеррининг иккита бир хил суратини топишга ва коптоклар сони нечта эканлигини аниқлашга ҳаракат қилинг.




Том нечта совун пуфаги пуфлади?



Томга коптокни ўрага туширишга ёрдам беринг.



Ҳамма суратлар бир хилми?



Суратлардаги беш хил фарқни топинг.

Бизнинг ҚУДДУС БОБО

1957 йил. У пайтда мен Тошкентдаги Маннон Уйғур номи 22-мактабнинг 7-синф ўқувчиси эдим. Мактабимизда Эркин Воҳидов, Анвар Исроилов, Сайер, Тулқин Имомхужаев, Тулқин Илҳомов, Соҳибба Ирисхужаева каби юқори синф ўқувчилари бор эдики, улар аллақачон республика матбуотида шеърлари билан қатнашар, биз қуйи синф ўқувчилари уларга ҳавас билан қарар, ҳам тақлид қилиб, шеър машқ қилиб юрар эдик.

Уша пайтлар Эски жувадаги Хотин-қизлар клубида Ғайратий домланинг адабиёт тугараги бор, Эркин ака, Тулқин акалар шу тугаракка қатнашди, деб эшитиб уч-тўрт дугоналарим билан бориб, киришга бетломай, қайтиб кетган эдик.

Мактабимизда бир яхши одат бор эди. Эрта билан барча синф ўқувчилари йиғилар, қайси ўқувчи халқаро аҳволдан сузлаб берар, ким спорт хабарларини айтар, айниқса кимнинг шеъри матбуотда чиққан бўлса, директоримиз Ҳошимжон ака Ҳоқимов албатта уни барчага ўқитиб эшиттирар эдилар. Анвар Исроиловнинг «Ленин учкун» (ҳозирги «Тонг юлдузи») да чиққан «Тур урнингдан, Ҳасанжон» шеърини бир ўқувчи шундай ифодали ўқиб берган эдики, ўқишдан кеч қолган болаларнинг ҳолига ҳаммамиз таъсирланган эдик. Шунда ҳавас қилиб мен ҳам бир шеър эдим.

Менинг илк шеърим баҳор ҳақида эди:

*Баҳор келди қирлар,
далалар,
Кўк баҳмал-у гулга ўралди.
Кенгликларда қувнар
болалар
Қушлар баҳор нағмасин
чалди.*

Кейин шаҳар пионерлар уйида Қуддус Муҳаммадий раҳбарлигида адабиёт тугараги борлигини эшитдим, тинчтин йўқолди. Максим Горький кучаси, 1-уйга (марказий телеграф орқасидаги куча, ҳозир бу бино бузилиб, куп қаватли уйлар тушган) қилириб бордим. Уялибуялиб, мен ҳам тугаракка қатнашиш истагим борлигини, шеър ёзишимни, қайси мактабда ўқишимни айтдим.

— Қани, шеърларингиздан ўқинг-чи, эшитайлик, — дедилар Қуддус ака.

*Синглим тол баргадидан
Сочбаргак тақиб олди.
Кувониб деди бизга
Сочларим ўсиб қолди.
— Яхши, қани қолганларини
ўқинг-чи!*

Яна дафтаримдаги шеърлардан ўқиб бердим.

— Мана шу «Сочбаргак» шеърингиз маъқул. Буни «Ғунча»га берамиз. Сиз тугаракка қабул қилиндингиз. Бўшашманг, — дедилар устоз.

Куз экан шекилли, дугонам Маъсуда Зухурова билан «Ғунча» журнаliga бордик. Адабиёт бўлими бошлиғи жуда гузал, қирмизи юз, узун сочлари икки урим қилиб ташланган, бошида ироқи дуппи Мушарраф Зайнидинова илқ қарши олдилар. Шеъримни ўқидилар-да, буни келаси йил апрель ойида берамиз, дедилар. Маъсуда Мушарраф опани Москвадаги адабиёт институтини тугатиб келган, — деганда бу опага янаям ҳавасим келиб кетди. Романтик орзулар билан редакциядан қайтдик.

Шу-шу, Қуддус Муҳаммадий тугарагида қатнаша бошладим. Бу ерга Дадахон Нурий, Рауф Толиб, раҳматли Омон Муҳаммаджонов, Абдумажид Шомирзаев, Турғунбой Аюпов, Султнали Акбаровлар қаторида Мунира Солихова, Фарида Йўлдошева, Маъсуда Зухурова, Ҳа-

физа Шарофхужаева, Мукамбар Орипова, Фарида Обидова, Шоира Юсупова, Раҳима Шомансурова каби қизлар ҳам қатнашар эдиларки, мен улар билан мулоқотда куп нарса урганган эдим. Ҳозир уша тугарак аъзолари таниқли ёзувчи, шоир, журналист, олим бўлса, бири раҳбар, бири болалар иши учун жонкуяр, бири маънавият соҳаларида хизматда.

Булар Қуддус бобонинг шоғирдлари, таълимини олганлар, табаррук овозини эшитганлар, ҳамсуҳбат бўлганлар. Шулар орасида мен ҳам борлигимдан қувонаман.

1958 йил «Ғунча» журналининг 4-сонида биринчи шеърим «Сочбаргак» чиқди. Мактабда байрам. Эрта билан келсам, уртоқларим табриклаган, линейка бошланди. Директоримиз Ҳоқимжон ака шу шеъримни ва бошқа шеърларимни ўқиб беришимни сурадилар. Саҳнага чиқиб, ҳаяжонланиб ўқиб бердим. Назаримда энди бутун мактаб мени шоир

билан гаплашаман, деб техникумга олиб борган экан.

Тугаракда Қуддус бобо адабиётнинг сеҳрли оламига олиб кирар, Алпомиш, Гуруғли достонларидан, Навоий, Пушкин, Анна Аҳметовадан ёд айтиб, бизни лол қолдирдилар. Устоз бизни Ғафур Ғулум фалсафасига бошлаб кирар, унинг шеърлари қудратини тушунтирар эканлар, буюк шоирнинг «Соғиниш» шеърисида:

*Зўр қарвон йўлида етим
бўтадек.*

*Интитор кўзларда
халқа-халқа ёш.*

*Энг кичик заррадан
Юпитергача*

*Ўзинг мураббийсан,
хабар бер Қўёш,*

сатрларини ёд айтар, бизни улкан адабиёт оламига бошлар эди. Шундан сунг мен Ғафур Ғулумнинг шеърларига ўзимни урган, «Соғиниш», «Вақт»

лом, Абдулла Қаҳҳорлари» деб таништирилди устоз, — ҳаммаларини кутубхонангизга аъзо қилинг».

Қуддус ака ана шундай болалар учун жонини ҳам фидо қилувчи жонкуяр инсон эди. Уларни ҳам бола табиатли, серзавқ, оилапарвар, инсон эдилар.

Тугаракимизга олимлар, муסיқашунослар, рассомлар келиб турарди. Уларга барчамизни бирма-бир тавсифлаб берардилар. Бир куни «Бири биридан яхши» сарлавҳали шеъримни «О, буни қушиқ қилса буларкан», дедилар. Композитор Сафав (фамилиясида балки янглишаётгандирман, ахир ҳали болалигим, гурлигим сабаб бунга аҳамият бермаган бўлсам эҳтимол)га ана шу шеърни қушиқ қилсангиз, жуда шух чиқади-да, деб тушунтирилди. Кейинчалик бу шеър қушиқ бўлиб радиода



ни ёзмаг», дердилар. Бир кун бир дугонамиз шеърини ўқиб берди. Шунда «чарогонга» «ағравон» деган сузни қофия қилган экан. «Ағравон? Нима у?» деб сурадилар устоз. У айтиб беролмади. «**Ие, шеърингизда бу сўзни ишлатасиз-у, нега ўзингиз тушунмайсиз?**» Шунда дугонам хижолат бўлиб қолган эди.

Тугаракка келмай қолсак, устоз дарров йўқлардилар «**Маъсуда қани? Нега кўринмаяпти? Дарров хабар олинглар**», дердилар.

Мактабни тугатдик. Мен Тошкент Давлат Университетининг филология факультетига ўқишга кирдим. Дугоналарим ҳам ҳар томонга тарқаб кетишди. Энди тугаракка янги авлод кириб кела бошлади. Талабалик чоғларимда ҳам шеър машқ қилиб юрдим. Ёзганларим ҳали у, ҳали бу матбуотда чиқиб турди. Ўқишни тугатгач, республикада ягона ҳажв журнали «Муштум»га ишга келдим. Ҳали хануз шу ерда ишлаб турибман. Бу орада менинг болалар учун ёзган «Ойижон, ойи», «Лайлак қор», «Тинчлик бобо», «Нон ҳақида қушиқ» шеърини тупламларим, «Булбулигуё», «Пупанаклар» — ҳажвий китобларим чиқди. «Куртаклар» — болалар учун қиссам «Гулхан» журнагида эълон қилинди. Ҳозир болалигим ҳақида қиссани ёзиб тугатиш арафасиданам. Демокчи-манки, бир боланинг усиб улгайишида, камол топишида, ҳаётда тўғри йўлга тушиб олишида — ота-ондан ташқари Сенинг биринчи ўқиган китобинг, илк муаллимнинг, биринчи устозингнинг жуда катта урни ҳам буладики, улар сенинг тақдирингни узгартириб юборади. Бор булсин, шундай устозлар!

Утган йили Қуддус бобонинг 95 йилликлари жамоатчилик томонидан кенг нишонланди. Қуддус бободан унлаб комил фарзандлар, унлаб шоғирдлар, 50 га яқин набиралар, ширин муомала, меҳр-оқибат, унлаб китоблар, «Табиат алифбоси» қолди.

Қуддус Муҳаммадийни болалар шоири дебгина эмас, табиат шоири дегим келади. Қизлари Гулгунча бир суҳбатда: «**Адам кейинги йиллар ҳовлимиз рўпарасидаги мактабга кўп чиқар, катта танаффусларда болалар билан ўйнар, уларга шеър ўқиб берар, улардан шеър эшитар эдилар.**»

Ёзда болалар таътилга чиқиб кетса, «**болаларнинг овози келмаяпти-ку, болаларсиз ҳаммаёқ хувиллаб қолди**», деб хомуш бўлиб қолардилар», дейди.

Қуддус бобони эслайдиган, унутмайдиган фарзандлари, шоғирдлари бор. Аммо, мен янада бу Инсоннинг номи абадий бўлиб қолишини тилардим. Қани эди, уша ҳовлилари рупарасидаги 150-мактабга Қуддус Муҳаммадий номи берилса. Бу барча болаларнинг орзуси, албатта.

Кутби НОСИР ҚИЗИ

УСТОЗ ЎРНИ

деб танигандек. Тугарак мени ўқитимга ҳам, мактаб ишларида фаол қатнашимга ҳам таъсир курсатди. Дунёқарашимни кенгайттирди.

Бир кун директоримиз:

— Қутби, биласанми. Қуддус Муҳаммадий бизни мактабда ўқитганлар, — деб қолдилар.

— Билмас эканман, унда бир учрашув утказмаймизми, — дедим.

— Уларидан сураб кел-чи, кейин тайёргарлик курамин.

Қуддус акага директоримизни илтимосини етказган эдим, рози булдилар.

Мен Қуддус Муҳаммадий ҳаёти ва ижодидан сузлаб беришим учун тайёргарликни, уртоқларим шоир шеърларидан ёдлашни бошлаб юбордилар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, мактабимизда Ҳошимжон Ҳоқимовдек, Мираҳмад Шомаҳмудовдек адабиёт ўқитувчилари бор эдики, улар уша даврлардаёқ схоластика, план деган нарсадан қочиб, иложи борича дарсни эркин ўтишга ҳаракат қилар, бизни қатъий интизомга ургатган эдилар. Ҳали хануз мен бу мактабдаги бўлган илмга талабни ва интизомни бошқа мактабларда учратмаганман. Балки шу сабаб бу мактабдан адабиёт аҳллари, олимлар-у жамоат арбоблари куп чиққан бўлса ажаб эмас.

Учрашув ҳам жуда яхши ўтди. Ушанда 10-синфни тугатиш арафасида эканмиз. Қуддус ака Ҳоқимжон акага мен ҳақимда гапириб: «**Билимга чанқоқ, тиришқоқ, яна уйда қолиб кетмасин, қандай бўлса ҳам ота-онаси билан гаплашиб ўқишини давом эттиришга кўндиринг**», деган эканлар. Бу гапга ҳозирги ўқувчи тушунмаслиги мумкин. Лекин уша пайтлар «Қизлар нима қилиб берарди, турмушга узатиб юбориш керак», деган ақида куп ота-оналар психологиясида бор эди-да. Эсимда, Қуддус ака Мукамбар опа деган истеъдодли бир қизни ота-онаси тугаракка юбормаганидан қанчалик ташвиш чеккан эдилар. Ҳатто уйига бориб, ота-онаси билан ҳам гаплашгандилар.

Қуддус ака қизларни уз қизларидек қўрар, биз ҳатто уйларида ҳам бориб турар эдик. 7-синфни тугатгач, Педагогика билим юртига кирмоқчи бўлган Шоира Юсупова билан Раҳима Шомансуровани қўлидан етаклаб, ўзим Баҳри опа

шеърларини ёд олган эдим.

— Бир кун Ғафур акадан сўрашибди: «**Нимани хаёл қиляпсиз?**» — дегандилар, Қуддус ака завқланиб кула-кула. «**Шоирнинг фантазиясини қаранг, шаршарадан тушган сув балиқнинг миясига қандай таъсир этар экан, шуни ўйлаяпман**» деган эканлар.

Яна академик шоирдан сўрашибди: «**Чингизхон Ўрта Осиёга бостириб кирганида унинг нимасига қизиқди экан? Ўрта Осиё ўша пайтлар қай даражада бўлган экан?**» «**Энг тараққий этган даври бўлганини таърифини эшитиб, бостириб келган**» деган экан Ғафур Ғулум. Бу мисоллар ҳозир олдий бир гапдек, қизиқ эртадек туюлади. Лекин уша коммунистик мафкура ҳукмрон даврда, биз пионер бўлиб, Ленин бобо ҳақида шеър ёзиб юрган пайтимизда улуг шоирнинг бу гаплари бизга илоҳий бўлиб туюлар эди.

Бир кун тугаракда: «**Абдулла Қаҳҳорнинг «Қизил Ўзбекистон»да чиққан «Сархона» ҳикоясини ўқидингизми?**» деб қолдилар. Албатта, ўқинглар, ана фантазия, ана ёзувчининг хаёлот, усталлиги...»

Уша куни «Сархона»ни ўқиб чиқиб, тасаввурим бутунлай ўзгариб кетганини ҳис этганман. Қуддус аканинг бундай даъватлари куп эди. Пушкиндан, Навоийдан ёд айтардилар.

*Қуриган, ҳиди йўқ,
унутилган гул,*

*Китобни очаркан,
кўриб қолдим мен.*

*Ғалати хаёлга тўлди-да
кўнгила*

*Термулган бўйича туриб
қолдим мен.*

Бу мисралар фақат Пушкинга хос, дердилар устоз. Мана шундай узига хосликка эришиш керак, дердилар. Оригиналга яъни — янги фикр айтишга интилиш керак, дердилар яна.

Қуддус бобо бизни шеърят қасрига олиб кириб куп китоб ўқишни, мумтоз адабиёт сарчашмаларидан баҳра олишни, чет эл адабиётидан хабардор бўлишни ургатардилар, Пушкин, Лермонтов шеърлари гузаллигини очиб берардилар. Эсимда, бир кун бизни — ун чоғли болаларни етаклаб эски Жувадаги узун зина билан чиқаладиган шаҳар кутубхонасига олиб борганлар. Кутубхона мудири (фамилияси Носиров эди, шекилли) билан ҳаммамизни таништириб, «Булар келажакнинг Зебунисо, Нодиралари, Ғафур Ғу-



айтилди ҳам. Бир кун мактабда ўқиш тугаб, уйга келдим. Ортимдан бир бола етиб келди.

— **Тез борар экансиз, директор чақиряпти. Ҳамид Олимжон ҳақида шеърингиз бор экан, ўшани олиб борар экансиз.**

Ҳайрон буламан, директоримизга бу шеър нега керак экан деб.

Шеър дафтаримни олдимда, мактабга бордим. Ўқитувчилар хонасида «Ленин учкун» газетининг масъул котиби Абдувоҳид Мулламухамедов утирибди. Салом бердим.

— Қуддус ака айтдилар. Сенда Ҳамид Олимжонга бағишланган шеър бор экан.

Чамамда уша кезлар Ҳамид Олимжоннинг 50 йиллиги нишонланаётган, мен ҳам «Урик гуллаганда» деган шеър бағишлаган эдим.

— Мана уша шеър, — дедим.

— Берақол, эртага газетда чиқади.

Наҳотки?! Менинг шеъримни келиб олиб кетсалар-а?! Қуддус домла шунчалик тушунтирибдилар-да. Эртаси шеър чиқди. Кувончимга таъриф йўқ. Ана шундай эди бизнинг устоз!

Бир куни Қуддус ака рассом Абдулҳақ Абдуллаевни бошлаб келиб, Фарида Ойбекова (ҳозир у филология фанлари номзоди.) расмини чизишга (негаки Фариданинг юз тузилиши классик адабиётдаги гузаллар таърифига мос келарди) тавсия этдилар. Ҳозир Фариданинг уша портрети Қўқон музейида сақланмоқда.

Бундай меҳрибончиликлар устозда сон-саносиз эди. Мен фақат устознинг қизларга гам-хурликлари ҳақида айтаяпман, холос.

Устоз сузнинг қудрати, кучи ҳақида куп гапирар эдилар. Ёзганда сузни уз урнида қўлаш ҳам маҳорат экаиини куп ўқитиридилар. «**Ўзининг маъзани тушуниб ишлатинг. Тушунмаган, кўрмаган нарсангиз-**



БИР ҒАЛТАК ИП БЕРИНГ

Ярим тунда эшигимиз тақиллади. Уйғониб кетдим. Дадам тунларини елкага ташлаб, хавотир билан эшикка йуналдилар. «Ишқилиб тинчлик булсин-да! Қариндошларимиз ҳаммаси соғ-саломатмикан?...»

Куча эшиқдан дугонам Замиранинг дадамга «бир ғалтак ип бераркансиз», — деган овози эшитилди. Югуриб мен ҳам кучага чиқдим.

— Ипни нима қиласан?

— Ойим кўрпа қавияптилар. Ип етмай қолди.

— Ярим кечаси-я? — Дадам билагимдан маҳкам ушладилар, — «Ғапирма» дегандек.

— Уйдан ип олиб чиқ.

— Мен ростдан ҳам ип олиб чиқдим ва дадам иккимиз уни уйига кузатиб қуйдик. У уйига етди ва индамай, хонасига ки-

Кунлардан бир кун

риб кетди. Ҳамма уйқуда эди. Куп утмай дугонам ҳам пишиллаб уйқуни келган жойидан давом эттираётгани аён булди. Демак дугонам тушида бизникига бориб келган экан! Эртасига булган воқеани унга айтсам ишонмади. Қизик, дадамни гувоҳ қилмоқчи булиб уни бошлаб келиб, воқеани айтиб беринг, деб дадамга айтсам дадам ҳам тондилар: «Тупш кургандирсан, узинг», — деб. Замира кетгач эса, «Қизим, ешлик қилиб бу воқеани дугонангнинг юзига солиб узидан хавотирга тушириб қуйма. Бундай воқеалар булиши мумкин менда ҳам, сенда ҳам», — дедилар ва узлари билан булган яна бир воқеани айтиб бердилар.

БИР СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ

Маҳаллаимизда ёлғиз угил бор эди. Ота-онаси узига туқ. Кузининг оқу қораси булган бу йигитни шунинг учун ҳам жуда эъзозлашарди. Айтгани айтган, дегани деган булса-да, бу бола тиниб тинчимас, узига ҳамма тиниб иш топиб оладиган, саргузашталаб эди. Кунлардан бир куни, ушанда ҳам туш пайти экан, кучада турса, узоқдан гунафша ранг бахмал паранжи епинган бир аёл унга қараб келаверибди. Саломга оғиз жуфтлаб ҳам улгурмай туриб унга аёл сўз қотибди: «Яхши йигит,

Болалар, боболар, момолар болаликларини эслаганларида оёқ изи йўллар, тиниқ кўллар, пахса деворлар, онда-сонда эшак аравада ёки пиёда йўловчи учраб қоладиган тупроқ кўчалар ҳақида, у билан боғлиқ воқеа ва ҳодисалар тўғрисида сўзлашади-а? Менинг бувим ҳам шундай. Узлари тугилиб ўсган — Тошкентнинг маркази ҳисобланмиш — Қашқар маҳалласи, у ердаги кўчалар, одамлар, уйлар тўғрисида ҳикоялар айтадилар. Сиз ҳам сўзларига қулоқ тутинг деб эътиборингизни икки воқеага қаратмоқчиман. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг. Аммо тинглаб барибир ўзингизга бирор ҳулоса чиқариб оласиз.

Бувимнинг айтиб берганларини укангиз ёки синглингиз ўқиб берсин. Улар хижжалаб ўқисалар ёдингизда узоқ сақланади-да!

шу тугунни кутаришиб юборинг», — деб. Йигитча йўқ демай унинг ёнида тугунини кутариб кетибди. Узи муштдеккина тугуну, оғир эмиш. Куп юрмай

терлаб-пишиб кетибди. Иссиқданми, тугуннинг оғирлигиданми, чарчоғи сабаб бироз утириб дам олмоқчи булибди. Тугунни ерга қўйиб, энди утираман деганда аёл «бир сўзни айтманг» айтманг, бир сўзни айтманг», — деб илтижо қилармиш. Йигитча уша сўз нима айткан деб уйлабди. Утириб олиб бафуржа сурайман-да, дебди ва яна «бисмилло...» деб чўнкая бошлаганини билди, бошига бир мушт тушибди ва «мени единг, жувонмарг!» де-



ганча аёл кўздан ғойиб булибди!

Демак, аёл «бисмиллохир раҳмонир раҳим» ва «ассалому алайкум» деган сўзлардан қурқар экан-да?!

Демак бу аёл — жин экан-да! Буваларим бисмиллога минг тилло, шу сўзни тилингдан қуйма, ҳар иш бошлаганинда бисмиллохир раҳмонир раҳим деб қилгин», — деганлари рост экан-да?.. деб йигитча уйлашга тушганида кеч булган экан. Чўнка йигитнинг икки қули ва оёғи ишламай узи қандайдир ахлатхонада ётганмиш. Уни яхшилар топиб отасининг олдига замбилга солиб олиб боришибди. Духтиру, табиб қилиб тузалмаган бу йигитчани бир дуохон мулла ўқиб даволабди. Уни ўқиш йули ҳам қизик булибди. Йигитчани бир уйга қамаб, кўчаю, кундуз пичоқ билан тинмай сеҳрли калималар ўқибди. Еттинчи куни йигитча узига келиб, дуогўйнинг қулидан пичоқни тортиб олибди ва «Ана, ана ярамас, мени урган алвас-ти», — деб сапчиб урнидан туриб эшик томон чопибди ва бошини уша пичоқ билан яра-лаб хушидан кетибди. Хушига келганида тили ҳам, оёқ-қули ҳам соппа-соғ эмиш.

КУМУШ.



«Ойнаи Жаҳон» — болаларга

СЕШАНБА, 7 АПРЕЛЬ.

ЎзТВ. 1 дастур.

- 9.20 «Олам ва одам».
- 9.40 «Темурнома», видеофильм.
- 10.05 Болалар учун «Санъат гўнчалари».
- 11.35 «Маҳмадона», мультфильм.
- 18.00 Болалар учун «Шукрона».
- 20.10 «Оқшом эртақлари».
- ЎзТВ. 2 дастур.**
- 18.15 «Ерилтош» мульттуплам.
- 18.35 «Еввойи ҳайвонот олами».
- ЎзТВ. 4 дастур.**
- 18.50 «Мульттомоша».
- 19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».

ЧОРШАНБА, 8 АПРЕЛЬ.

ЎзТВ. 1 дастур.

- 9.40 «Темурнома» видеофильм.
- 10.05 Инглиз тили.
- 10.35 «Бахт қуши» болалар учун спектакль.
- 13.20 «Олтин тақа», мультфильм.
- 18.10 «Кузгу». Курсатувда Алишер Навоий номли республика нафис санъат лицейининг Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига аъзо булиш арафасида турган икки ўқувчиси ҳақида ҳикоя қилинади. Тошкент шаҳридаги 51-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Малика Ҳақимова билан учрашасиз.
- «Кузгу» курсатувининг учинчи саҳифаси усмирлар билиши зарур булган ҳақ ва ҳуқуқлари ҳақида баҳс булади.
- 20.10 «Оқшом эртақлари».
- ЎзТВ. 2 дастур.**
- 18.15 Жаҳон халқлари эртақлари.
- ЎзТВ. 3 дастур.**
- 21.40 «Нафосат дунёсида бир зум».
- 21.55 «Самолочинлари», фантастик фильм.

ЎзТВ. 4 дастур.

- 18.50 «Мульттомоша».
- 20.10 «Дунё ва болалар».

ПАЙШАНБА, 9 АПРЕЛЬ.

ЎзТВ. 1 дастур.

- 9.20 «Мучал тўйи».
- 9.40 «Темурнома» видеофильм.
- 10.05 Янги алифбони урганамиз.
- 10.35 «Бармоқлар сеҳри».
- 11.00 «Алпомиш авлодлари».
- 11.20 «Эски уй соҳиби». Мультфильм.
- 12.50 Кундузги сеанс «Катта булишни хоҳлайман» бадиий фильм.
- 18.10 Болалар учун «Қизикарли учрашувлар». Курсатувда Ўз-

19.00 «Катта танаффус» телеуйин.

ЎзТВ. 4 дастур.

- 18.50 «Мульттомоша».
- 19.05 «Сухбатдош».
- 19.25 «Дустим ҳақида».

ЖУМА, 10 АПРЕЛЬ.

ЎзТВ. 1 дастур.

- 9.20 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
- 9.40 «Темурнома» видеофильм.
- 10.05 Немис тили.
- 11.30 «Аждодларимиз мероси».
- 12.05 Болалар учун «Орзу».
- 12.40 Кундузги сеанс «Қимматли бола» бадиий фильм.
- 18.10 Болалар учун «Малоҳат дарсхонаси».
- 18.30 «Озод ва обод юрт».

20.10 «Оқшом эртақлари».

21.00 «Иқтисод алифбоси».

ЎзТВ. 2 дастур.

- 18.15 «Бугуннинг боласи».
- ЎзТВ. 4 дастур.**
- 18.50 «Мульттомоша».
- 19.55 «Йулингиз бехатар булсин».

ШАНБА, 11 АПРЕЛЬ.

ЎзТВ. 1 дастур.

- 9.30 Болалар учун «Кувноқлар даврасида».
- 9.50 «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
- 11.45 «Кичкинтоймиз — гижинтоймиз».
- 18.00 Болалар учун «Фламинго».
- 19.50 Оқшом эртақлари.
- ЎзТВ. 2 дастур.**
- 9.00 «Бугуннинг боласи».
- 11.25 Болалар учун «Астерикс ва Клеопатра».
- 12.35 «Гиннес шоуси».
- 12.55 «Жонни Квест саргузаштлари» мультфильм.
- 13.15 «Нью-Йорк».
- 14.30 Мугоба.
- 18.25 «Боланинг тили».
- 18.40 «Сув ости дунёсига саёхат».
- 19.10 «Қонун ҳимоясида».
- ЎзТВ. 4 дастур.**
- 10.00 «Рақслар қанотида».
- 10.30 «Шанба эртаги».
- 18.50 «Мульттомоша».

рани «Геракл саргузаштлари».

12.00 Болалар экрани «Оловудин қасрнинг биринчи қаҳрамони?».

13.35 «Нью-Йорк» телесе-риал.

16.20 «Мульттипанорама».

18.15 «Сув ости дунёсига саёхат».

18.40 «Буш утирма».

19.00 «Синфдош».

ЎзТВ. 3 дастур.

18.25 «Шум бола» болалар учун фильм.

ЎзТВ. 4 дастур.

9.55 «Эртақларнинг сеҳрли олами».

14.30 «Жонли сайёра».

15.00 Кундузги сеанс.

16.00 Мультэкран.

16.50 «Сенинг вақтинг».

18.45 «Мульттомоша».

20.10 «Хайрли оқшом».

ДУШАНБА, 13 АПРЕЛЬ.

ЎзТВ. 1 дастур.

20.10 «Оқшом эртақлари».

ЎзТВ. 2 дастур.

18.15 «Ерилтош» мульттуплам.

ЎзТВ. 4 дастур.

18.35 «Еввойи ҳайвонот олами».

СЕШАНБА, 14 АПРЕЛЬ.

ЎзТВ. 1 дастур.

20.10 Оқшом эртақлари.

ЎзТВ. 2 дастур.

18.15 «Ерилтош» мульттуплам.

ЎзТВ. 4 дастур.

18.50 «Мульттомоша».

18.50 «Мульттомоша».

Мухтарам ўқувчилар, бу ҳафта сизларга тақдим этиладиган курсатув, мультфильм, бадиий фильмлар ана шулардан иборат. Курсатувларимиз ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Тоҳир МУЛЛАБОВ,
Ўзбекистон
Телевидениес
«Болалар» Бош
муҳаррирляти

ДИҚҚАТ, МУЧАЛ ТЎЙИ


юзлашиб, ёмонлардан четлашиб, яхшилар билан бирлашиб, «мучал байрами» яшаб келмоқда.

Журналист Ҳафизахон Ҳайитметованинг ана шу қадим Бухородан тайёрлаб кел-

ган курсатувини томоша қилгач, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ буласиз. Курсатув саҳифалари Гиждувон туманидаги 3-иқтидорли болалар интернатида, ҳамда Бухоро шаҳридан тайёрланган. Шунингдек Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги 125

мактабда утказилган «Мучал байрами» ҳам сизга маъқул булади, деган умиддамиз.

Кўрсатувни 9 апрель куни эрталаб соат 9.20 да томоша қилинг.



бекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев иштирок этади.

18.50 «Теннис клуб».

20.10 «Оқшом эртақлари».

ЎзТВ. 2 дастур.

18.15 «Эркатой» болалар учун дастур.

18.30 «2000 йилдан сунг» телесериал.

18.50 Амир Темурга бағишлов.

ДУЖЕҲИ ЯХШИЛИК ҚУМҚАРАДА

ОРЗУ ХОЛАМ ЙИҒЛАДИЛАР

Мени уйда ҳам, кучада ҳам нуқул «бунча маҳмадонасан» — дейишади. Мен узимча маҳмадона эмасман деб уйлайман. Чунки ҳамма нарсага қизиқишим сабаб, савол беравераман. Тушуниб олганимдан сунггина жим утираман холос.

Менинг жуда ҳам меҳрибон Орзу холам борлар. Улар бир йилдан буён касалхонада ётибдилар. Мен аям билан тез-тез бориб хабар олиб тураман. Ҳар гал борганимда ҳовучимни тулариб ҳар хил шоколадлар берадилар. Яқинда мактабдан қайтсам, ҳовлидаги сурида аяжоним негадир хафа бўлиб утирибдилар. Ҳар галги одатимга кура тезда бориб: «Нега хафасиз, аяжон», — деб сурадим. Улар булса, «нега хафа бўлмай, Орзу холаңнинг оёгини кесиб ташлашармиш», дедилар. Ростини айтсам, елкаларим жимирлаб кетди. Яна шоша-пиша сурадим: «Кейин қандай юрадилар?» Аяжонимнинг жаҳллари чиқиб кетди шекилли, индамай уйга кириб кетдилар. Мен эса, «ҳақиқатан ҳам кейин қандай юаркинлар-а» — дея уйлай бошладим.

Салдан кейин аям уйдан чиқиб: «Мен касалхонага, Орзу холаңнинг олдига боряпман, тезда келаман», дедилар. «Мен ҳам бора қолай, аяжон» — дедим мулоимлик билан. Аям ҳа, майли дегандай қарадилар. Тезда йулга тушдик. Биз касалхонага кириб келганда, Орзу холамининг оёқларини аллақачон кесиб ташлашган экан, бошларида жуда кўп духтирлар уймалашиб турарди. Орзу холам бизни куриб, жилмайдилар. Худди шу пайт уларнинг турмуш уртоғлари Суннат почча ҳам келиб қолдилар. Улар гаплашиб олишсин деб аям билан чиқиб турдик. Анчадан сунг Суннат почча эшикни зарб билан ёпиб чиқдилару, хайрни ҳам насия қилиб жунавордилар. Биз аям билан кирганимизда Орзу холам жуда ёмон аҳволда

Азиз болалар, газетамиз номига тенгдошларингиздан жуда кўп мактублар оляпмиз. Биз сизларнинг дунёга зийраклик ва теран нигоҳ билан боқётганингиздан хурсанд бўлдик. Айниқса, мактубларингиздаги инсонийлик ва яхшиликка бўлган чуқур муносабатингиз бизни ҳайратлантирди.

Шу туркумдаги баъзи мактубларни қуйида эътиборингизга ҳавола қиляпмиз. Мабодо сизни ҳам ўйлантириб юрган муаммо ёки воқеалар бўлса, албатта бизга ёзиб юборинг.

эдилар. Аям тезда духтирларни чақириб келдилар. Салдан кейин уларига келган Орзу холам негадир хунграб-хунграб йиғладилар. Кейин билсак, Суннат почча холамга «оёғи йуқ хотин билан яшашга эл-юрт олдида уяламан» — деган эканлар. Сиз нима деб уйлайсиз, оёғи кесилган хотин билан яшаш уятми ёки бир беморнинг кўнглини ноҳақ жароҳатлашми?

**КАМАРИДДИН
Фаргона вилояти, Фурқат
тумани.**

ХАДИЧА БИБИ ЭНДИ КАЙВОНИЛИК ҚИЛМАЙДИ

Хадича биби қишлоғимизнинг кайвониси. Уларсиз бирор туй ёки марака утмайди. Шунинг учун ҳам уларни ҳамма ҳурмат қилади. Хадича бибининг елғиз битта Султон деган угиллари бор. У ҳам шаҳарда яшайди. Айтишларича, қайсидир бир заводнинг директори эмиш. Уша ерда ўқиб, уйланиб, қолиб кетган. Мен Султон амакини анча йиллар олдин оқ волгада бола-чақаси билан келиб, бутун қишлоқни узининг савлатига қаратиб кетганини биламан.

Бибимнинг айтишларича, Султон амакининг дадалари сувга чуқиб улган эканлар. Ушанда Султон амаки 5 ёшларда булган эканлар. Хадича биби далада ишлаб, елғиз углини катта қилиб, ҳатто ўқитган ҳам.

Бир куни Хадича биби бибижонимнинг олдиларига чиқиб, угилларини жуда соғинганларини айтдилар. 3 йилдан буён қишлоққа келмаётган эканлар. Султон амаки охири марта келганларида Хадича бибига: «Мен сизнинг кайвонилик қилишингиздан номус қиламан, бу менинг обрўимга тўғри келмайди», — дебдилар. Хадича хола эса: «Болам бу - қадимий урф-одатимизку, қолаверса мен ўғрилиқ қилмайман, фақат эл-юртни бир кунига ярасам дейман, уйда ҳам утириб зерикаман», — дебдилар. Шу суҳбатдан кейин угиллари қишлоққа келмай кетганмиш. Ҳозир қишлоғимизда бошқа бир аёл кайвонилик қилади. Хадича биби булса узидан хафа бўлиб кетган углини ҳар куни кутиб куни утади.

Хадича бибини яхши курганим сари, Султон амакини ёмон кураман. Мабодо сиз бирор жойда Султон амакини учратсангиз қишлоқда уни онаси соғиниб кутаётганини айтиб қуйинг.

**ЗАМИРА,
Бухоро вилояти, Олот
тумани.**

ЙУҚОЛГАН МЕҲР

Карима келиноий бизнинг қушнимиз. Уларнинг мен тенги Сардор деган угиллари бор. Мен Сардор билан жуда яхши дўстман. Карима кеннойини ҳам уз ойимлардай яхши кураман. Яқинда бўлиб утган бир воқеадан кейин уларга булган ҳурматимни йуқотдим.

Катта акамни ўйлантирдик. Уйимизда катта туй булди. Шаҳар чеккасига узатилиб кетган опам ҳам келган эди. Улар жуда ҳам чаққон. Қозон-товоқ дейсизми, супуриш-сидириш дейсизми, ҳаммасини эплайдилар. Уша куни опам бармоқларидаги узукларини румолчага тутиб, шкафнинг ичига қўйган эдилар. Туй тарқагач, ҳаммо ишларни саранжомлаб булган опам, кетиш тараддудига тушдилар. Шкафни очиб узукларини олмоқчи булдилар, амма у ерда узуклар йуқ эди. Опам роса хафа булдилар. Ойим булса: «Қуй, қизим келган бало ушанга урсин», — деб уларни тинчитган булдилар. Опам кундилар, аммо ичларида барибир тилла узукларига ачинаётганларини билиб турдим.

Орадан уч-тўрт кун утгач, Сардорни олиб қушни маҳала болалари билан туп тепишга бормоқчи булдим. Сардорларникига кирсам, у китоб ўқиб утирган экан. Футболга бормайсанми дейишим билан, қулидаги китобни ташлади-да, югуриб кийинишга тушди. Мен ҳам унга ердамлашмоқчи булдим. Сардор бир бурчакдан пайпоғини, яна бир бурчакдан куйлагини топиш билан овора. Мен эса шкафнинг остида ётган кросовкасини топдим. Топдим, қулим токка теккандек вижирлаб кетди. Унинг ичида опамнинг таниш румолчаси тугилган ҳолда ётарди. Сардорни чақирдим, у югуриб келди. «Бунима?», — дедим румолчани курсатиб, у ҳам ҳайрон бўлиб, «Ойимни нарсаларидир-де», — деди. Мен қулларим қалтираб румолчани очдим. Опамнинг узуклари ярақлаб кетди. Сардорни ҳам, футболни ҳам унутдим-да уйга отилдим. Уйга киришим билан дарвозадан чи-

қётган Карима келиноиймга луч келдим. Уларнинг кузи қулимдаги румолчага тушди-ю, ранги кути учиб кетди. Бора солиб ойимдан суюнчи олдим. Ойим узукларни топиб олганим тафсилотларини эшитиб, негадир хурсанд булиш урнига маъносиз бўлиб қолдилар. Гуеки узукларни топилганидан хафа одамдек эдилар. Нуқул: «Йуғ-е, яхши курган, ишонган қушним Каримахон-а...» дердилар холос.

Ушандан сунг Карима келиноий бизникига мутлақо чиқмай қолдилар. Мен ҳам уларникига чиқмайман. Сардор билан кучада, мактабда гаплашамиз. Баъзан уйлайман, узукларку топилди, аммо менинг Карима келиноиймга булган меҳрим топилармикан? Сиз айтинг-чи, йуқолган меҳр қайта топиладими?

**ЗАФАРЖОН,
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани.**

БЕНЗИН ТУГАГАНМИ ЁКИ ОДАМИЙЛИК?


Мен унинг синфда ўқийман. Қишлоғимиз тоғнинг этагида жойлашган бўлиб, мактабга боришда, айниқса қишда жуда қийналамиз. Ана шундай пайтлари машинаси борларга жуда маза-да. Қушнимиз Аҳмад ака магазинда ишлайдилар. Бир эмас, иккита машиналари бор. Болалари ҳам мактабга машинада қатнайди.

Бир кечаси кичкина синглим қаттиқ оғриб қолди. Ҳаммамиз тўрт томонга югуриб, туман марказидаги касалхонага олиб бориш учун машина изладик. Худди шу пайт қушнимиз Аҳмад ака ишдан қайтди. Дадам уларнинг олдига чиқиб аҳволни тушинтирди. Улар булса, бензин тугаб қолган, олиб боролмайман, дебдилар. Қаттиқ оғриқдан инграётган синглимнинг бошида утириб тонг оттирдик. Саҳарда дадам қушни қишлоқдан машина топиб келдилар. Эрталаб Аҳмад ака «Бензини тугаб қолган» машинада яна ишларига жунаб кетди.


Биз синглимизни касалхонага олиб борганимизда духтирлар: «Бир соат кечикканларингда қизларингдан ажралиб қоларкансизлар», — деди. Уша куни операция қилиб синглимнинг қуричагини олиб ташлашди.

Мен уша кундан бошлаб Аҳмад акани жуда ёмон кураман. Улардан сурагим келади: «Уша тунда бензин эмас, сиздаги одамийлик тугаган эмасмиди, Аҳмад ака?» Сиз қандай уйлайсиз?

**Муҳиддин,
Қашқадарё вилояти,
Китоб тумани.**



ЛОЛАНING КўНГЛИ ЎКСИК ЭМАС



Лола Муҳаммаджонова Учқўприк туманидаги «Янги ҳаёт» қишлоғида яшайди. Ёш булса ҳам ҳаётга катталардек назар ташлайди. Чунки...

Онаси Паттихон опа 1-гурух ногирони, отаси Мухторжон ака эса 3-гурух ногирони, қўлтиқтаёқда юрадилар. Лола оиланинг тунгич фарзанди. Иккита синглиси бор. Акам ёки укам булганида отамларнинг ёнларида юрармиди, — деб уйлайди Лола. Шунинг учун

Катталар, эътибор беринг!

булса керак оиланинг ташвиш-у камчиликлари ҳам унинг зиммасида.

Мактабни битириб тикувчилик ҳунарини эгалламоқчи. Ишлаб, пул топиб рўзғор камчиликларини тўлдирмоқчи. Сингилларига чиройли кийимлар тикиш нияти бор. Ногирон ота-онасини даволатишни эса кўнглига қўпроқ бери тугиб қуйган...


Оилалари ердам сураб туман ҳокимлигига, хотин-қизлар уюшмаси, туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этди. Лекин ногирон оила-ю, уларнинг фарзандлари кўнглини кутарадиганлар ҳозирча топилмади.

Шундай булса ҳам Лола сабр-бардошли қиз. Унинг иродаси мустаҳкам.

Мухтор БЕК



АРАЛАШМА - КУРАЛ



Первоуральск шаҳри мактабларининг бирида ўқувчилар муштлашганликлари учун 5 рубль жарима тўлайдиган бўлишди. Бу ҳақдаги эълон ва пул учун қутича мактаб-

Салом «Тонг юлдузи»! Мен бу йил 4-синфда ўқийман. Бизга турли фанлардан бир қанча ўқитувчилар сабоқ беришди. Лекин уларни «Алиф-бо»ни танитган эъозли ўқитувчим Тиллажон опа Саъ-

Мактублар қутиси

дуллаевага ушата олмайман. Чунки, Тиллажон опа бизларга дўст, уртоқдек муомала қилардилар. Сирлашган вақтларимиз ҳам бўлган. Ҳатто дарс ута туриб, сочларимни

уриб ленталар тақиб қўйган ҳам шу Тиллажон опамлар! Ўқитувчилик фаолиятларига ҳам мана 32 йил булибди, узлари табаррук 50 ёшга тулибдилар. Шу муносабат билан севимли устозимни табрик-лаб суратларини юборяпман. Илтимос уни, саҳифангда ёритиб, менинг табригимни устозимга етказ.

Салом билан,
Умида ҚАЮМХЎЖАЕВА
Қибрай туманидаги
15- мактаб ўқувчиси.



Бу тартиб ота-оналарга ҳам маъқул келган бўл- эса мактабга ўқув қуроллари ва ободончилик

МУШТЛАШМОҚЧИ БЎЛСАНГ, ПУЛ ТЎЛА

нинг энг кўзга кўринадиган жойига илиб қўйилди.

ишлари учун сарфланган маблағга қўшимча бўляпти холос.

Маҳмуда ХАЙДАРОВА тайёрлади.

Оталар ёзади

НАСИХАТ

Ҳар бир она-ота солиҳ фарзандим деб ўтади,
Орзуҳавас нашидасин муштоқ бўлиб кутади.
Борлигида рози айланг, меҳр бериб уларни
Сизга қилган дуолари худойимга етади.
Шунинг учун дилни меҳр кўри билан тўлдилинг.
Яхши ўқиб, дафтарни ҳарф дури билан тўлдилинг.

Қалбингизни илмкони, нури билан тўлдилинг,
Илми борлар қушлар каби самода сайр этади.
Сизни муштоқ кутмоқдадир

синовларнинг даргоҳи


Олим бўлиб етилур деб ота-она нигоҳи,
Сиз эурсиз мустақил, хур, озод юртнинг паноҳи.

Изларингиз энди мангу эрк йўлидан ўтади.
Бугун сизнинг бошингизни гўзал ҳаёт силайди,
Бобонгиз ҳам кўлин очиб оппоқ йўллар тилайди.

Эй дилбандлар, омон бўлинг оллоҳ ўзи кўллайди,
Ўзбекистон сизлар билан гуллаб-яшнаб кетади.

Юнус МУҲАМЕДОВ

БОШҚОТИРМА



САВОЛЛАР

БЎЙИГА:

1. Ҳамма касалликларнинг давоси.
2. Шифобахш усимлик ёки ут.
3. ... — болаларники!
4. Ҳозирда болаларнинг севимли уйини.
5. Ҳар бир ишнинг боши.
7. Денгиз ҳайвони.
11. Ўғил бола исми.
12. Сайроқи қуш.
13. Спорт тури.
14. Мусулмонлар байрами.
16. Автомобиль тури.
17. Қуёш системасидаги сайёралардан бири.
20. Баҳор гули.

ЭНИГА:

6. Қиз бола исми.
8. Арманистоннинг пойтахти.
9. Ҳайвонлар подшоҳи.
10. Уйин тури.
15. Танасида икки ранг мужассам булган ҳайвон.
18. Қадимги ёввойи ва маданий дарахт.
19. Фасл номи.
21. Мазаси оғизда қолар.

Тузувчи: Зулфия АБДУЛЛОҲ қизи.

Ush qiz - tingil
Tuhra debdi, gulsana
Atrofingda bir qara,
Muyda debdi, ulmiga,
Gullar sehilibdi - ya.
Kel gullarni, tenamiz,
Onamizga beramiz,
Aizlar gullar tolibdi,
Onamizga beramiz.
Onamiz kuni, ko'rib
Zulfiya kuni, ko'rib.
Bahrab ey qizbolalar.

Lola

To'g'ra o'ribdi lola,
Uzi ko'rdi, lolola
Hidlab turib didi u,
Kulga hushioy shan-ku
hola, unga yozib qoldi,
Shahariga taqib oldi.

Айвонлар Оғдбек

Toshkent shahar
O'zbekiston nomli
internat maktabining
3-sinf o'quvchisi

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Муртазо СУЛТОНОВ,
Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ИУЛДОШЕВА, Ҳотам АБДУ-
РАИМОВ, Инқилоб ЮСУП-
ОВА, Дадахон ЁҚУБОВ,
Миросхид МИРҲАМИДОВ,
Суннатилла ҚУЗИЕВ, Феруза
ОДИЛОВА.

«ЁШ ИҚТИСОДЧИ»

ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:
Музаффар ПИРМАТОВ,
Асқар ШОКИРОВ,
Равшан ҚАМБАРОВ,
Маҳлиё МИРСОАТОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-011136. 46.496 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топириш вақти 19.00. Топирилди — 18.30. Навбатчи: Д. ДАВЛАТОВА

Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
Нашр курсаткичи: № 64563
Телефон:
1-33-44-25
1-36-57-91
1-36-54-21